

Тақдиримсан,
бахтимсан,
эркин ва обод
Ватан!



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqqan boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 25-avgust, shanba № 68 (8509)

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони эълон қилингани юртдошларимиз қалбидаги байрамона кайфиятга янада ўзгача шуқуқ бахш этди.

Кувонарлиси, мукофотланганлар орасида самарали меҳнати ва эришадиган ютуқлари билан мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий қудратини оширишга, шахсий ибрати билан халқимизни, айниқса, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга улкан ҳисса қўшган, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги билан умумхалқ иззат-ҳурматига сазовор бўлган таълим-тарбия соҳаси, маънавият ва маърифат жонқуярлари ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Уларни юксак мукофотлар билан самимий муборакбод этамиз.

«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан

Ахмедова Гулсара Ражаповна — Хонқа маиший хизмат ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи директори, Хоразм вилояти

Болтабоева Санобархон — Бувайда туманидаги «Бувайда» қишлоқ фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Фарғона вилояти

Мирзакулов Баходир Хатамович — Пахтакор тумани бо-

лалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори, Жиззах вилояти

Мирзоалимов Равшанбек Қорабоевич — Республика Маънавият тарғибот марказининг Норин тумани бўлими раҳбари, Наманган вилояти

Сатторова Гулчеҳра Хайитовна — Кармана туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактаби директори, Навоий вилояти

Усманова Гулърано Маллабаевна — Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси бош шифокори, Тошкент шаҳри

(Давоми 2-бетда.)

ВАТАНИМИЗ ШАЪНИНИ УЛУҒЛАГАНЛАР ЭЛ-ЮРТИМИЗ АРДОҒИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 24 август куни Оксаройда Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида бўлиб ўтган XXX ёзги Олимпия ўйинларида медалларни қўлга киритган спортчиларимиз ва уларнинг устоз-мураббийларини қабул қилди.

— Биз бугун Лондон шаҳрида бўлиб ўтган XXX ёзги Олимпия ўйинларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган спортчиларимизни қутлаш ва тақдирлаш учун тўпландик, — деди давлатимиз раҳбари. — Дунёда спорт соҳасида ўтказиладиган мусобақалар кўп. Лекин улар орасида Олимпия ўйинлари юксак нуфуз ва алоҳида ўринга эга. Шунинг учун Олимпия ўйинларида қатнашиш ҳар бир спортчи учун катта шарафдир. Лондон Олимпиадасида иштирок этиб, Ўзбекистонимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган йигит-қизларимизга, уларнинг устоз ва мураббийларига, бутун жамоамиз аъзоларига чуқур миннатдорлик билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Юртимиздаги миллионлаб спорт мухлислари Олимпиада ўйинларида мардона курашган спортчиларимизни нафақат экран орқали кузатиб борди, балки уларга чин қалбдан мадад тилаб турди, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

Албатта, бундай нуфузли мусобақаларда муносиб қатнашиш,

голибликка эришиш осон эмас. Агар бугунги кунда дунёда 7 миллиард аҳоли яшаётганини ва улар орасида фақат ўн ярим минг нафар одам бу мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритганини эътиборга оладиган бўлсак, мазкур ўйинларнинг нақадар кучли рақобат муҳитида ўтганини англаш, сезиш қийин эмас, деб таъкидлади Президентимиз.

Лондондаги мусобақаларда спортчиларимиздан 4 нафари совриндор, 14 нафари ўз йўналиши бўйича кучли саккизликка кирганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Беллашувларда эркин кураш бўйича учинчи бор Олимпиада олтин медалини қўлга киритган Артур Таймазов, бронза медаллар билан тақдирланган дзюдочи Ришод Собиров, машҳур боксчимиз Аббос Атоев ва эркин курашчи Сослан Тигиев мурасасиз ва шиддатли курашларда голиб чиқиб, юксак маҳорат ва матонат намунасини кўрсатгани барчамизга қувонч ва ғурур бағишлади.

(Давоми 2-бетда.)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТИ

Ўғил-қизларимизни эзгу орзулар оғушида юксак марраларга интилиб яшашга ундамоқда

5 бет

Август кенгашлари

ЯНГИ МАҚСАДЛАР САРИ

6 бет

ВАЗИФАНИ ЎҚУВЧИ МУСТАҚИЛ БАЖАРСА...

10 бет

«Paralimpiya o'yinlari — 2012»

ЎЗБЕКИСТОН ПАРАЛИМПИЯЧИЛАРИ ЛОНДОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ



15-бетга қаранг.

Тошкентда 23 август куни «Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг 20 йиллик ўзаро манфаатли ҳамкорлиги: тарих, бугун ва истиқбол» мавзuida халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Тадбир Қозоғистон Республикаси-

да дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишланди.

Унда Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, таҳлил марказлари экспертлари, давлат тузилмалари ҳамда жамо-

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ- АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

нинг мамлакатимиздаги амалчионаси, Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар институти томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Анжуман Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртаси-

атчилиги вакиллари, мамлакатимизда фаолият юритаётган қатор дипломатик миссиялар раҳбарлари иштирок этди.

Тадбирда сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва уни ривожлантириш истиқболлари ҳақида фикр алмашилди.

(Давоми 3-бетда.)

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

(Давоми.
Боши 1-бетда.)

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Бозорбоева Олияхон — Бўз туманидаги «Маъруфобод» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Андижон вилояти

Юсупов Шермухаммат Турсунович — Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказига қарашли «Мева-Шарбат» боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси раиси

«Дўстлик» ордени билан

Абдуллаева Фазилят — Каттақўрғон шаҳридаги «Ноқис» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Самарқанд вилояти

Аимбетов Нагмет Каллиевич — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси

Махкамов Отабек Мухтарович — «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар Кенгаши раиси

Худойбердиев Оллокул Исақович — «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Сурхондарё вилояти Кенгаши раиси

«Шухрат» медали билан (100 ёшдан ошганлар)

Абдуллаева Курвон — Каттақўрғон тумани, Самарқанд вилояти

Адилова Зухра-биби — Ҳамза тумани, Тошкент шаҳри

Аббаров Худойберган — Фарғона тумани, Фарғона вилояти

Аскарва Турган — Шуманай тумани, Қорақалпоғистон Республикаси

Джуманова Кирмиз — Сирдарё тумани, Сирдарё вилояти

Жабборовва Рохат — Қарши шаҳри, Қашқадарё вилояти

Каримова Хожибиби — Кармана тумани, Навоий вилояти

Махсудова Нишаной — Куйи Чирчиқ тумани, Тошкент вилояти

Муродов Мовлон — Фижувон тумани, Бухоро вилояти

Нишанова Ачапошо — Чуст тумани, Наманган вилояти

Нурматова Салимаҳон — Избоскан тумани, Андижон вилояти

Оллаберганова Анбар — Шовот тумани, Хоразм вилояти

Пардаева Пардахол — Бахмал тумани, Жиззаҳ вилояти

Тошхонов Қосим — Жарқўрғон тумани, Сурхондарё вилояти

«Жасорат» медали билан

Гофурова Шарипахон Мирзаевна — Кува туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактаби тарих фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Пардаев Камариддин Шамсиддинович — Ғузур туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, Қашқадарё вилояти

«Шухрат» медали билан

Абдурахмонова Ферузабану Абдурахман кизи — «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Қарши давлат университети бошланғич таъкилот и етакчиси, Қашқадарё вилояти

Акрамова Адолат Аслоновна — «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Бухоро вилояти Кенгаши раиси ўринбосари, «Қамалак» болалар таъкилот и раиси

Алимова Озодахон Юсуповна — Косонсой туманидаги «Гузар» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Наманган вилояти

Аралбаева Гулстан Даулетбаевна — Қонлиқўл туманидаги «Бескўпир» овул фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси,

Қорақалпоғистон Республикаси

Ильясов Толибай Арелбаевич — «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Қонлиқўл педагогика коллежи бошланғич таъкилот и етакчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Каримова Самидахон Назимовна — «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг Тўрақўрғон тумани бўлими раиси, Наманган вилояти

Кудратов Салижан Сулайманович — Республика Маънавият тарғибот марказининг Сирдарё вилояти бўлими раҳбари

Қодиров Меҳмонали Мухаммадалиевич — «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Фарғона шаҳар 1-тиббиде коллежи бошланғич таъкилот и етакчиси, Фарғона вилояти

Маткаримов Пахридин Жураевич — Наманган муҳандислик-педагогика институти ректори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси

Машарипов Атаберган Атаназарович — «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг Урганч шаҳар бўлими раиси, Хоразм вилояти

Халилова Махфират Мирзаевна — Китоб туманидаги «Йўлдош шаҳарча» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Қашқадарё вилояти

Холиқова Дильбар Маликовна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси

Эргашева Дилбар Абдулатибовна — Олтиариқ туманидаги «Полосон» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Фарғона вилояти

Юсупова Ирода Хамидовна — Самарқанд шаҳридаги «Лолазор» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Самарқанд вилояти

ВАТАНИМИЗ ШАЪНИНИ УЛУҒЛАГАНЛАР ЭЛ-ЮРТИМИЗ АРДОҒИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Машҳур полвонимиз, икки карра жаҳон чемпиони Артур Таймазовнинг Олимпиада чемпиони деган шарафли номга учинчи марта сазовор бўлгани алоҳида таҳсинга лойиқ. Бу маҳоратли спортчимизнинг Сидней Олимпиадасида кумуш медалга сазовор бўлгани ҳам инобатга оладиган бўлсак, у тўртта Олимпиадада зафар қозониб, тўртта медални қўлга киритган. Жаҳон спорти тарихида бундай юксак ютуқларга эришганлар камданкам бўлган.

Эсингизда бўлса, бундан тўрт йил муқаддам, Пекин Олимпиадасидан кейин мана шу залда ўтказилган учрашувда мен Артурга миллионлаб мухлислар ва бутун халқимизнинг истаги сифатида навбатдаги Олимпиадада ўзининг учинчи олтин медалини қўлга киритишни тилаган эдим, деди Ислам Каримов. Бугун Артур эл-юртимизнинг ана шу юксак ишончини оқлаб, Ватанимизга тарихий ғалаба билан қайтгани барчамизга улкан мамнуният етказди. Бундай самимий миннатдорлик сўзларини бугунги тадбиримизда иштирок этаётган икки карра Олимпия ўйинлари совриндори, икки карра жаҳон чемпиони Ришод Собиров ва икки карра Олимпия ўйинлари совриндори Сослан Тигиев, икки карра жаҳон чемпиони Аббос Атоев ва бошқа спортчилар ҳақида ҳам айтиш мумкин. Қўлга киритилган бундай буюк ғалаба ва ютуқлар ҳаётга кириб келаётган, машҳур спортчилар сафига киришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ёш, навқирон авлодимизга ўрнатқ ва ибрат бўлиши билан эътиборлидир.

Давлатимиз раҳбари энди барчамизнинг, аввало, спорт жамоатчилиги, соҳа мутасаддилари олдида 2016 йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган ўттиз биринчи ёзги Олимпиада ўйинларига жиддий тайёргарлик қўриш вазифаси турганлигини таъкидлади. Лондон Олимпиадаси якунларини чуқур таҳлил қилиш ва ундан тегишли сабоқ ва хулоса чиқариш, Олимпия ўйинларида энг юқори натижаларга эришган давлатлар таърибасини ўрганишга алоҳида эътибор бериш зарурлигини, бу ишни

бугундан, ҳозирдан бошлаш лозимлигини қайд этди.

Олимпиадада қатнашган барча йигит-қизларимизни, ғалабаларни қўлга киритишга муносиб хисса қўшган, ёш спортчиларни тарбиялаган устоз-мураббийларни, бутун команда аъзоларини яна бир бор табриклаб, барчангизга бахт ва омад, янги-янги зафарлар ва ютуқлар тилаймиз, деди пировардида Ислам Каримов.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 14 август кунин қабул қилинган «Лондон шаҳрида бўлиб ўтган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида юксак натижаларга эришган спортчиларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармони мувофиқ, Олимпиада ўйинларида эришган ютуқлари билан Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга қўшган катта ҳиссаси учун бронза медаллари соҳиблари бўлган Ришод Собиров ва Сослан Тигиев «Ўзбекистон ифтихори», Аббос Атоев «Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган спортчи» фахрий унвонлари билан тақдирланди.

Лондон Олимпиадаси чемпиони Артур Таймазов юртимизнинг спорт соҳасидаги шон-шухратини юксалтириш ишига қўшган улкан ҳиссаси, Олимпиада ўйинларида юксак натижаларга эришгани учун «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланди.

Президентимиз спортчиларга давлатимизнинг ана шу юксак мукофотларини топширди.

Давлатимиз раҳбари Артур Таймазовга машҳур курашчимизнинг Ўзбекистон байроғини баланд тутиб турган олтин суви юритилган ҳайкаласини совға қилди.

Артур Таймазов, Ришод Собиров, Аббос Атоев, Сослан Тигиев, мураббий Аҳрол Рўзиев Президентимиз Ислам Каримовга спортни ривожлантириш ва спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида қўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун самимий миннатдорлик изҳор этди. Спортчиларимиз бундай ғамхўрликка жавобан келгуси халқаро миқёсдаги йирик ва нуфузли мусобақаларда ҳам Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишларини таъкидлади.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Конференция қатнашчилари мустақилликка эришгач, икки давлатнинг Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида 1998 йил 31 октябрда имзоланган Абдий дўстлик тўғрисидаги шартномага асосланган муносабатларининг ривожланиш жараёнига юксак баҳо берди.

Давлатларимиз ўртасида йўлга қўйилган амалий сиёсий мулоқот доирасида томонлар икки томонлама ҳамкорлигининг долзарб масалаларини муҳокама этиб, халқаро ва минтақавий

тон ва Қозоғистон ушбу соҳада ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш учун ҳали фойдаланилмаётган катта салоҳиятга эга. Мунозаралар чоғида энергетика, транзит ва транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорликни рағбатлантириш зарурлиги таъкидланди.

Умумий тарихий ва маданий илдишларнинг мавжудлиги, яхши қўшничилик алоқаларининг ривожланиб бораётгани икки халқ ўртасидаги дўстона муносабатларнинг мустақамланнишига хизмат қилаётгани қайд этилди. Маданий-гуманитар,

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

ривожланиш муаммолари юзасидан фикр алмашаётгани таъкидланди. Ҳар икки мамлакат бой тарихий тажриба, узлук сиёсий, иқтисодий, маданий ва илмий салоҳиятга эгаллиги самарасида Марказий Осиё минтақасида барқарор ва изчил тараққиётни таъминлашда муҳим ўрин тутаетгани қайд этилди.

Конференция қатнашчиларининг фикрича, савдо-иқтисодий ҳамкорлик давлатлараро муносабатларнинг асосий йўналишларидан бири ва икки томонлама алоқаларни янада ривожлантиришнинг муҳим омилдир. 2011 йил якунлари бўйича икки томонлама савдо ҳажми қарийб 2,8 миллиард долларни ташкил қилди. Айни пайтда Ўзбекис-

тилм-фан ва таълим соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик, жамоат ташкилотлари ўртасидаги алоқалар икки давлат муносабатларида алоҳида ўрин тутди.

Илмий-амалий конференция якунлари бўйича иштирокчилар мажмуи талбир икки томонлама ҳамкорликка оид кенг қўламли масалаларни муҳокама этиш учун яхши имконият яратгани ҳақида умумий фикр билдирди. Ушбу батафсил ва амалий мулоқот Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ишончга асосланган ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ҳамда кенгайтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

ЎЗА

Ўзбекистон Қаҳрамони Зикир Муҳаммаджонов


Ўзбекистон маданияти ва санъати оғир жудолликка учради.

Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли санъаткор, Ўзбек театр ва кино санъатининг ёрқин намоёниси Зикир Муҳаммаджонов 91 ёшида вафот этди.

З.Муҳаммаджонов 1921 йили Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилди. 1951 йилда Тошкент давлат театр ва рассомлик санъати институтини тамомлади.

У 1943 йилда собиқ Ҳамза номидаги — ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театрида актёр сифатида иш бошлаб, умрининг охирига қадар ушбу даргоҳда самарали фаолият кўрсатди. "Жалолдин Мангуберди", "Мирзо Улуғбек", "Ўтмишдан эртаклар", "Кузнинг биринчи кун", "Макр ва муҳаббат", "Ҳамлет", "Ромео ва Жульетта" сингари машҳур сахна асарларидаги бош роллар Зикир Муҳаммаджонов томонидан юксак маҳорат билан ижро этилди.

Ёрқин ва бетакор истеъдод соҳиби иштирокида яратилган спектакллар нафақат юртимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам катта қизиқиш билан кутиб олинди, томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Ўзига хос ижодий услуб эгаси бўлган маҳоратли ва тажрибали санъаткор миллий кино санъатимиз ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшди. У кўплаб бадиий ва видео фильмларда тарихий



ва замонавий образларни яратди, жаҳон кино санъатининг кўплаб сара асарларини ўзбек тилига дубляж қилиб, халқимизнинг маънавий мулкига айлантиришда фаол иштирок этди.

Зикир Муҳаммаджонов ижодий фаолият билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этди. Ўзбекистон театр ижодкорла-

ри уюшмаси раҳбари сифатида иш олиб борган пайтида у сахна санъатини ривожлантириш, ёш ижодкорларни тарбиялаш, театр ва кино санъати ютуқларини халқимиз ўртасида кенг тарғиб этишда ўзининг ташкилотчилик фазилатларини намоён қилди.

Қарийб олтимиш йиллик ижодий фаолияти давомида у кўплаб истеъдодли ёшларга устозлик қилиб, уларга маҳорат сирларини ўргатди.

З.Муҳаммаджоновнинг миллий маданиятимизни ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистон халқ артисти" фахрий унвони, "Буюк хизматлари учун" ва "Дўстлик" орденлари, "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони билан мукофотланган эди.

Таниқли санъаткор, меҳрибон устоз, камтарин инсон З.Муҳаммаджоновнинг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамisha сақланиб қолади.

И.Каримов, И.Собиров, Д.Тошмухамедова,
Ш.Мирзиёев, Х.Султонов, А.Икромов, П.Саидқосимов

Ўқув йилига тайёргарлик қизғин

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2012-2013 ўқув йилига тайёргарлик масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари М.Иноятов янги ўқув йилига ҳозирлик қўриш жараёнида талабалар учун қулай шароитларни яратиш, ўқитиш сифати ва мазмунини такомиллаштириш, илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш масалаларига устувор аҳамият қаратаётганини таъкидлади.

Президентимизнинг 2011 йил 20 майда қабул қилинган "Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини му-

стақамлаш ва юқори маънавий мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори таълимнинг барча босқичи, жумладан, олий таълимни замон талаби даражасида такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш тизимини янги поғонага олиб чиқиш йўлида кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодаси бўлди. Қарорга кўра, 2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашга оид дастур амалга оширилмоқда.

Хусусан, олий таълим муассасаларида 190 ўқув-лаборатория бинолари, талабалар турар жойлари, спорт иншоотларини барпо этиш, мавжуд-

ларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш кўзда тутилган. Ҳозир юртимиздаги 8 олий таълим даргоҳининг 30 дан зиёд объектда қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари жадал олиб борилмоқда. Янги ўқув йилида Андижон, Қарши, Урганч давлат университетлари, Тошкент давлат техника университети, Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техник институтини каби олий ўқув юрларида янги ўқув-лаборатория бинолари, талабалар турар жойлари, муҳташам спорт заллари, замонавий ахборот-ресурс марказлари фойдаланишга топширилди.

Бакалавриятнинг 167, магистратуранинг 450 йўналиши бўйича давлат таълим стандартлари давр руҳига ҳамоҳанг

тарзда такомиллаштирилиб, ўқув режалари ва фан дастурлари ишлаб чиқилди. Барча олий ўқув юрларининг кафедралари томонидан ўқитиладиган фанлар бўйича умумий ўқув соатларининг ҳажми аниқланиб, вақт меъёрлари тақсимланди. Ахборот-ресурс марказлари фондидаги дарсликлар инвентаризациядан ўтказилиб, уларнинг электрон шакллари яратишга оид ишлар ниҳоясига етказилмоқда.

Янги ўқув йилида мамлакатимиз олий таълим даргоҳларида бакалаврият таълим йўналишида тест синовларидан муваффақиятли ўтган 56 минг 607 нафар талаба биринчи курсда ўқишни бошлайди. Уларнинг билимини ошириш, олий ўқув юрларида жорий этилаётган интерфаол ўқув услублари қоида-

рига оид кўникмаларини шакллантириш мақсадида «Биринчи курс мактаби» маърифий дастури яратилди.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида оила, маҳалла ва таълим даргоҳлари ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш, ўқув масканлари ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий шерикликни кенг йўлга қўйиш, ёшларни миллий маънавиятимиз, ҳаёт тарзимизга зид ғоялар, «оммавий маданият»нинг зарарли таъсирларидан ҳимоялашга оид маънавий тарғибот ишлари янада кучайтирилади.

Матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига жавоблар қайтарилди.

Назokat УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири



- ❖ **Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб ўтказилган "Энг улуг, энг азиз" республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси ва қатор ҳамкор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган танлов якунига бағишланган тадбирга сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотларининг вакиллари тақлиф этилди.

Жорий йилги танловнинг республика bosqichiga турли йўналишларда меҳнат қилаётган 258 нафар ижодкорнинг 2493та ижодий иши қабул қилинди. Тақдим этилган асарларда мамлакатимизда эришилаётган улкан ютуқлар, ислохотларнинг мазмун-моҳияти, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, Ватанимиз қудрати ва салоҳияти, халқаро миқёсдаги обрў-эътиборнинг тобора ортиб бораётгани ўзига хос ижодий ёндашув асосида, чуқур таҳлилий тарзда очиб берилган. Шу билан бирга, оилаларни мустаҳкамлаш, айниқса, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларнинг жамият ҳаёти, ёшлар тарбиясидаги ўрни ва аҳамиятини кучайтириш, ҳамюртларимизнинг табдиркорликка оид илғор ғоя ва ташаббусларини ҳаётга тадбиқ этиш борасидаги ишларни ёритишга алоҳида эътибор қаратилган.

Тадбирда "Энг улуг, энг азиз" республика кўрик-танлови ғолибларига диплом ва асэдилик совғалари топширилди.

- ❖ **Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллик тўйи олдидан байрам сайли бўлиб ўтди.**

Сайл қатнашчилари ҳаваскору уста ошпазларнинг ўзига хос таом тайёрлаш усуллари билан яқиндан танишдилар. Дошқозонларда тайёрланган бир-бирдан мазали паловлардан тановул қилган иштирокчилар ошпазларнинг маҳорати юқори баҳо бердилар.

Тадбир доирасида маҳалла ҳунармандлари, табдиркорлар томонидан миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмалари, савдо ярмаркалари ўтказилди, бадиий дасталар, оилавий ансамбллар иштирокида концерт дастурлари намойиш этилди.

- ❖ **Ёшлар ижод саройида Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишланган "Навқирон Ўзбекистон — 2012" V республика аънавий ва замонавий санъат фестивали бошланди.**

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон Бадиий академияси ва Ёшлар ижод саройи томонидан ташкил этилган мазкур фестивалда тасвирий ва амалий санъат асарлари намойиш этилмоқда.

"Навқирон Ўзбекистон — 2012" санъат фестивалида ижодкор ёшларнинг тасвирий санъат, фотография, дизайн, ҳайкалтарошлик, миллий ҳунармандлик, инсталляция, видеоарт сингари йўналишлардаги асарлари намойиш этилмоқда. Уларда муаллифларнинг орзу-интилишлари, ҳаётга муносабати ёшликка хос бегуборлик ва жўшқинлик билан ифода этилган.

Фестиваль доирасида санъатшунос олимлар, таниқли муассавирлар, ҳайкалтарошлар, уста ва ҳунармандлар иштирокида давра суҳбатлари, маҳорат сабоқлари, маърифий анжуманлар бўлиб ўтади.

- ❖ **Дехқонободда "Энг намунали хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташиклоти" республика кўрик-танловининг Қашқадарё вилояти bosqichi бўлиб ўтди.**

Тадбирда танловнинг шаҳар ва туман bosqichlarida ғолиб чиққан ҳамда хотин-қизлар кўмиталари тизими ривожига муносиб ҳисса қўшаётган фаол аёллар иштирок этди.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида ташкил этилган мазкур танлов ҳам хотин-қизларнинг касб салоҳиятини, маънавий ва интеллектуал савиясини янада юксалтириш, уларнинг соғлом ва мустаҳкам оилани шакллантиришдаги фаоллигини оширишга хизмат қилади.

Юқори ўринларни эгаллаган 18 нафар хотин-қиз кўрик-танловнинг мамлакат bosqichida иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўлаган материаллар асосида тайёрланди.

Мактаб ярмаркаси

ота-оналар учун қулайлик туғдирмоқда

Самарқанд шаҳридаги 10та ҳудуд ва бта таълим муассасаларида арзон, сифатли кийим-бош ва ўқув қуролларидан иборат мактаб бозорлари ташкил этилди.

— Маҳалламизда янги ўқув йили олдидан мактаб бозори ва ярмаркаси ташкил этилгани айни муддао бўлди, — дейди Али Қўшчи маҳалласида яшовчи Я.Файзиев. — Зарур ўқув

қуролларининг барчасини шу ердан сотиб олиш имконияти кўнглимизни тўлдирди. Энди фарзандларимизни бозордан бозорга етаклаб юришга ҳоҳат йўқ.

Аҳамиятлиси, мазкур мактаб ярмаркаларида ўқув қуроллари, кийим-кечаклар аҳолига манзур нархда нақд пул ва пластик қарточкалар орқали сотилаётган.

Ҳаким ЖўРАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

Мустақиллик гарсларига таралмоқда

Сирдарё вилояти Ховос туманидаги 1-мактабда ҳам юртимиз мустақиллигининг 21 йиллиги ва билимлар кунини кўтаринки руҳда кутиб олишга тайёргарлик ишлари низоҳланди.

— 780 ўринга мўлжалланган илм масканимизда таъмирлаш ишлари якунланди, — дейди мактаб директорининг маъ-

навий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Хосият Пўлатова. — Ободонлаштириш ишларида мактабимиздаги ҳар

бир муаллимнинг ҳиссаси катта.

Мактабнинг фаоллар залидан тортиб касб-ҳунарга йўналтириш хоналариғача — барча барчаси янги ўқув йилига шай қилиб қўйилган. Илм масканининг тажрибали устоз-мураббийлари аънавий август кенгашларида фаол қатнашиб, «Мустақиллик дарси»ни ўтишга тайёргарлик кўрмоқда.

Гүлюз БАҲОДИР қизи

Яраштириш комиссиялари

оилалар тотувлигига хизмат қилаётган

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан «Яраштириш комиссиялари фаолиятини такомиллаштириш: муаммо ва ечимлари» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Анжуманда фонд раиси Анвар Аҳмедов сўзга чиқиб, истиқлол йилларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳаётида туб ўзгаришлар юз берганини, жумладан, маҳалла институтлари жамиятнинг муҳим бўғинига айланганини таъкидлади. Тадбирда ҳар бир

маҳаллада ташкил қилинган яраштириш комиссияларининг фаолияти ва улар зиммасига юклатилган вазифалар атрофида таҳлил қилинди. Оиладаги низоҳларни бартараф этиш, қўни-қўшнилар ўртасидаги иноқликни таъминлаш, шунингдек, гиеҳвандликнинг олдини олиш, тўй маросимларини ортиқча дабдабасиз ўтказишни назорат қилиш, вояга етмаганлар билан ишлаш, аёлларнинг қонуний ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймаслик каби масалалар юзасидан олиб борилган ишларга танқидий баҳо берилди.

Феруза ХОЛМУРОВА

Болалар – кўз қорачиғимиз

Ота-оналар жигарбандлари – фарзандларини таълим муассасаларига ишониб топширадилар. Бу эса муассаса раҳбарияти, устоз-мураббийлар ва барча муассасадилар зиммасига катта масъулият юклайди.

Доимий эътиборталаб вазифалардан бири таълим масканларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашдир. Янги 2012-2013 ўқув йилига тайёргарлик қизгин кечаётган айни палла-

да Тошкент шаҳар Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан умумий ўрта ва мактабгача таълим муассасаларида доимий назорат олиб борилмоқда. Ўқув йили мобай-

нида «Биринчи рақамли хавфсизлик» мавзусида болажонлар ҳамда ишчи ходимлар билан мунтазам учрашувлар ўтказиш режалаштириляпти.

Даврон ЖАББОРОВ,
Тошкент шаҳар
20-ҳарбийлаштирилган
ёнғин хавфсизлиги қисми
инспектори

Барчамиз билимлар кунини кутмоқдамиз

Бошланғич таълим ўқитувчисиман. Ҳар гал ўқувчиларимни юқори синфга кузатаётганимда қадрдон нарсамни йўқотиб қўйгандек ҳис қиламан ўзимни. Ниҳоятта етган ўқув йилида ҳам 36 нафар ўқувчим бошланғич билимларни кунт билан ўрганиб юқори синфга ўтди.

Уларга сабоқ берар эканман эртага эл қорига ярайдиган, мустақил фикрлайдиган авлод бўлиб вояга етишишига бор эътиборимни қаратдим. Ўқувчиларим билан хайрлашар эканман қалбимда икки туйғу ҳукмрон. Бири тўрт йил ардоқлаб таълим-тарбия берган ва ўз фарзандимдек бўлиб қолган ўқувчиларим юқори синфга учирма бўлмоқда. Иккинчиси эса таскин берувчи туйғу—уларнинг ўрнига яна шунча жажжи қалб соҳиблари мактабга илк қадам қўйиб бағримни тўлдирди.

Бутун илм масканимизда янги ўқув йилига, хусусан, биринчи синфга қадам қўйган ўқувчиларни кутиб олишга қизгин ҳозирлик кўрилмоқда. Синфхоналар

ва ўқув жиҳозлари сўнгги бор кўздан кечирилиб, ободонлаштириш ва байрамона безаш ишлари низоҳасига етказилди. Бутун жамоамиз билан Билимлар кунини эзгу ниятлар ва интиқлик билан кутаяпмиз. Чунки билим ўчоғига эзгу орзулар билан ташириб буюрган ўқувчиларимизга бор маҳорат билан пухта билим бериш зиммамизга улкан масъулият юклайди. Уларнинг қувончига қувонч қўшиш, келажагини таъминлаш барчамизнинг бурчимиз.

Бибиҳол ЛОЛАЕВА,
Қарши шаҳридаги 41-ИДУМ бошланғич
таълим ўқитувчиси



...Маърузалар залининг кенг саҳни ўқувчи ўқитувчилар, фаҳрий устозлар, отоналар ва бошқа кўлаб меҳмонлар билан тўла. Залининг гирдо-гирдига турфа хунармандчилик буюмлари, ҳайкалтарошлик санъати намуналари териб қўйилган. Айниқса, деворларга дид билан илган тасвирий санъат асарлари мафтункор.

Бола негадир шу сурат қаршида мум қотди. Деярли бир хил — кўк, кўкишқора рангларда ишланган, бир қарашда аниқ сюжетга эга бўлмаган сурат. Қўлларига турли меҳнат қуроллари — кетмон, ўроқ, хашак тутган, баъзилари қамчи ёхуд қалам ушлаган, от етаклаган ёки замонавий машина ёнида турган одамлар тасвири. Кийимлари ҳам турлича: кимдир чарм этигу бекасам чопонда бўлса, яна кимдир бўйинбоғ боғланган кўйлагу хушбичим костюм-шимда. Кишилар юзидаги кайфият, имо-ишораларнинг ўзгачалиги ҳам улар орасида даврий богликлик йўқлигини ифодалаб турибди. Ажабланарлиси бу эмас. Суратнинг салкам ярми оч қора рангда, ғубор-

нинг 2006 йил 25 августдаги «Миллий гоа тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ва унинг таркибидagi Маънавият тарғибот маркази, Миллий гоа ва мафкура илмий-амалий маркази зиммасига миллий маънавиятимизнинг мазмун-моҳияти, қадимий илдиэлари, бугунги ривожланиш тамойиллари ҳақида аниқ мақсадга қаратилган тарғибот ишларини олиб бориш; аҳолининг кенг қатламлари, авваламбор, ёшлар қалбидa Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш; миллий

Vatanimiz mustaqilligining 21 yilligi oldidan

Дилфуза Абдуллаева, Республика Маънавият тарғибот маркази етакчи мутахассиси:

— Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги олдидан тарғибот-ташвиқот ишларимиз кўлами янада кенгайди. Марказ ва ҳудудий-минтақавий бўлимлари Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга жиддий эътибор қаратмоқда. Тарғибот гуруҳлари «Такдиримсан, бахтимсан, эркин ва

ташқил қилиш бўйича йўриқнома ишлаб чиқилди. Бугунги кунга қадар тарғибот гуруҳлари томонидан Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда 287та маънавий-маърифий тадбир ўтказилди ва уларга 34 минг нафардан зиёд аҳоли қамраб олинди.

Мунаввара Усмонова, Республика Ёзувчилар уюшмаси аъзоси:

— Яқинда Андижондан қайтдим. Тарғибот гуруҳи билан Олтинқўл, Улуғнор, Шахрихон, Бўз туманларида бўлдим. Шунчаки маъруза ўқиб, шеър айтиб, кўргазма уюштирибгина қолмай,

келаман», дейди. Унинг сўзларидан хурсанд бўлиб, «Ўзи, сузишни анча ўрганиб қолдингми?» дея суҳбатни давом эттирдим. «Бўлмасамчи, ҳозир Норин дарёсининг нариги қирғоғига беш дақиқада сузиб ўтаман», деди қатъий оҳангда.

Болакай билан суҳбатлашиб, борлигимга бир илиқлик юрганини сездим. Фарзандларимизнинг истиқлол туфайли анча дадиллашганидан, эзгу орзуларга кўмилиб, юксак марраларга интилиб яшаётганидан кўларимда қувонч ёшлари қалқди.

Файзулла Аҳмадалиев, Республика рассомлар уюшмаси аъзоси:

— Маърузачилар гуруҳи билан Қашқадарё вилоятига сафаримиз мароқли бўлди. Воҳадаги таълим муассасаларида овоз ва обод Ватанимиз, эркин, фаровон ҳаётимиз тасвирланган асарларимни намойиш этдим. Юзу кўзида ўзбекона ибo-ҳаё акс этган «Келинчак» қўллариди кўза тутган қувноқ қиз

МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТИ



Ўғил-қизларимизни эзгу орзулар оғушида юксак марраларга интилиб яшашга ундамоқда



ли, қолганида эса тўқроқ кўк ранг устуворлик қилади. Одамлар қиёфасию тунд манзара қадимийликдан замонавийликка қараб тиниқлашгандек ўзё.

Суратга эзук тикланган боланинг чеҳрасидаги дастлабки ажабланиш аломатлари куз тонгларидаги тумандек секинлик билан тарқала бошлади. Қорачиклари қуёш нуруларида алтираган шудринг томчиларидек ялтиради. Бу расмга мусаввир Файзулла Аҳмадалиев нима учун «Маҳалладошлар» дея ном берганини англагандек бўлди. Кўз олдиди ўз маҳалласининг бутун тарихи — қора қумгон қайнаган замонлар, бугунги тўқис ва фаровон ҳаёт жонланди. Кишиларнинг кундалик юмушлари, юриш-туришию кайфияти сурат орқали намoён бўлгандек туюлди...

Дарҳақиқат, юртимизда аҳолини турли маънавий ҳавф ва таҳдидлардан бохабар қилиш, халқни миллий гоа атрофиди янада жипс-лаштириш, ёш авлод онги ва қалбига эзгу гоаяларни сингдириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланган. Президентимиз

урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама кўрсатиб беришга йўналтирилган суҳбат ва учрашувлар, маърифий тадбирлар ўтказиш каби асосий вазифалар юкланди. Шундан сўнг олимлар, мутахассислар, ижодкорлар, зиёлилардан иборат маърузачилар гуруҳининг самарали тарғибот тизими йўлга қўйилди. «Отана, оила, маҳалла», «тарихий хотира», «миллий гуруҳ» каби мўътабар тушунчалар ёш авлод қалби ва онига таъсирчан усул ва услублар орқали сингдирилмоқда. Шунингдек, юртдошларимизда муқаддас ислом дини ва фалсафаси, азиз-авлиёларимизнинг ибратли ҳаёти, қутлуг қадамжоларига ҳурмат-эҳтиром ва бошқа диний конфессияларга бағрикенглик руҳини кучайтириш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда. Тарғибот ишларининг миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлигида ташқил этилаётгани ҳам алоҳида эътирофга сазовор.

обод Ватан!» шиори билан ташқил этилаётган тадбирларда юртимиз йигирма бир йил давомида ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий, ташқи сиёсат сингари соҳаларда қўлга киритган ютуқлар мазмун-моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилапти.

Авалги йиллар асосан таниқли олимлар, адиб ва санъаткорлардан иборат маърузачилар гуруҳи жойларда тарғибот олиб борган бўлса, бу йил уларнинг сафи уста-хунармандлар, рассомлар, кино ва театр актёрлари, машҳур спортчилар билан кенгайди. Эндилиқда халқимиз мазмундор ва мароқли суҳбатлардан баҳраманд бўлиш билан бирга, истиқлол имкониятларидан илҳомланиб яратилган санъат асарларини ҳам томоша қилиб завқ олапти. Гуруҳларни маънавий-маърифий материаллар билан таъминлаш учун ҳамкор ташкилотлар билан «Такдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» номли қўлланма тайёрланди. Миллий гоа ва мафкура илмий-амалий маркази билан бирга Мустақиллик байрамини ўтказишда тарғибот-ташвиқот ишларини

аҳолининг дунёқарашини, турмуш тарзини билан танишдик. Чекка Бўз тумани коллежларидан биридаги учрашувда олд қаторда туриб олган, қорачадан келган бир болакай эътиборимни тортиди. Кўзларидаги чакиндан бизга нимадир демоқчи бўлаётганини сездим. Ёнимга чорлаб, суҳбатга тортидим.

— Ўғлим, катта бўлсанг, ким бўлмоқчисан? — дея сўрадим.

— Спорт билан шуғулланиб, чемпион бўлмоқчиман, — дея дона-дона қилиб жавоб берди у.

— Қайси спорт турига қатнашсан? — саволга тутдим яна.

— Ҳозиргача фақат футбол ўйнардим, энди сузишга ҳам бoряпман! Қўл жанги, узунликка сакраш билан ҳам шуғулланиш ниятидаман.

Эндигина биринчи синфни тамомлаган боланинг жавобларидан ажабланиб, «Спорт турларининг номини кимдан билиб олдинг?» десам, «Телевизордан Лондон олимпиадасини оилавий кўрдим. Кўп олтин медал ололмаганимиздан хафа бўлдим. Келажакда, албатта, сузишдан, қўл жангидан, сакрашдан олтин медал олиб

ва жувонлар («Булук бўйида»), меҳр-муҳаббатга йўғрилган она ва тиникиб ухлатган бола («Туш») тасвирланган суратларим ҳақида томошабинлардан илиқ фикрлар эшитдим.

Гуруҳларга мўйқалам соҳиблари ва уста-хунармандларнинг ҳам жалб этилгани, ўйлаيمانки, тарғибот-ташвиқот тадбирлари мазмунмундарижасини янада бойилади. Тасвирий ва амалий санъат кўргазмалари ўғил-қизларимизни она-Ватанга муҳаббат, аждодларимизнинг маънавий меросига, анъана ва қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаб, қалбларда озошлик, ватанпарварлик, эзгулик каби боқий туйғуларни камол топтиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилишаркан.

Республика Маънавият тарғибот маркази ташқил этилган тадбирлар халқимиз дунёқарашини янада кенгайтиришга, маънавиятини бойитиш, фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга хизмат қилиб, ҳар бир юртдошимизни огоҳлик ва дахлдорлик ҳисси билан яшашга ундамоқда.

Дилшод КАРИМОВ, «Ma'rifat» мухбири

Халқ таълими ходимларининг педагогик маҳоратини ошириш, янги ўқув йилини ҳар томонлама тайёр ҳолда ва кўтаринки руҳда кутиб олиш мақсадига жойларда анъанавий Август кенгашлари ўтказилмоқда. «**Мустақил юрт педагоглари—сифатли таълим сари!**» шиори ташкил этилаётган йигинларда ютуқлар ва камчиликлар таҳлил қилиниб, галдаги вазифалар белгилаб олинган.

ТОШКЕНТ шаҳри Ҳамза туманидаги 166-умумтаълим мактабидида ўтказилган йиғилишда ҳудуднинг 30та мактаби ўқитувчилари қатнашиб, бошланғич таълим, хорижий тиллар, мусиқа ва рус тили фани йўналишига оид масалаларни муҳокама этишди. Асосан уч масала — оптимallasштирилган ўқув дастурларидаги янгиланган педагогларни бохабар этиш, ўқув режасидаги ўзгаришларни фанлар кесимидаги тақсими ҳақида «Дарс — муқаддас» тавсияси асосида машғулотларни дўстона мулоқот тарзида уюштириш ҳақида сўз юритилди.

Кенгаш доирасида ўтган ўқув йили мобайнида самарали фаолият юритиб, меҳнатсеварлиги ва фидойилиги билан эътибор қозонган устоз-мураббийлар тақдирланди.

— Бугунги тадбирда менга «Энг яхши метод бирлашмаси раиси» фахрий ёрлиги топширилди, — дейди инглиз тили фани ўқитувчиси Ҳилола Зайниддинова. — Бундай эътироф кишини янада масъулиятли ва интилувчан бўлишга ундайди.

Яккасарой тумани умумтаълим муассасаларининг физика, география, кимё ва биология фанлари ўқитувчилари 172-мактабга Август кенгашлари учун йиғилишди. Тадбирда фан хоналарининг ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланиши таълим самарадорлиги ошишига ижобий таъсир кўрсатгани алоҳида таъкидланиб, бу фикр 100-мактабнинг биология фани ўқитувчиси Дилафруз Азаматова ўтган «Витаминлар» мавзусидаги намунавий дарс мисолида янада мустаҳкамланди.

Ўқитувчилар давлат таълим стандарти ва ўқув дастури талабларининг бажарилиши бўйича мониторинг ўтказиш ва аниқланган бўшлиқларни тўлдириш тажрибасининг аҳамияти ҳақида ҳам фикр алмашишди. Муҳокамадан сўнг ҳар бир мавзу учун дарс шакли, методи, жиҳози, кўргазмалар қўроллар, технологик ҳужжатлар аниқ, асосли ва тўғри танланиши лозимлиги белгилаб олинди.

Чилонзор туманидаги 200-мактабда бўлиб ўтган Август кенгашлари ялпи ва шўба йиғилишларида бошланғич синф ўқитувчилари ўтган ўқув йилининг ютуқларидан намуна, камчиликларидан сабоқ олишди. Хусусан, таҳлиллар асосида давлат таълим стандартлари бўйича ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўникма ва маалакалар синфлар кесимида алоҳида-алоҳида кўриб чиқилди.

Янги тахрирдан чиққан 3-синф математика дарслиги бўйича туғилган саволларга ўқув қўлланмаси муаллифлари Ўқтам Худоёров ва Сатор Бурхонов батафсил жавоб берди.

Кун тартибига қўйилган яна бир масала — бошланғич синф ўқитувчилари ўртасида устоз-шогирд анъанаси бўйича Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси методисти Дилфуза Тошмуҳаммедова шундай деди:

— Бошланғич синф ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини оши-

риш, дарсни технологик харита асосида тайёрлаш, ўқув-тарбия жараёнининг мураккаб вазиятларида ўзини тутиш ва вазиятдан ижобий чиқишга ўргатишда тажрибали устозлар ёрдамига таянамиз.


Бектемир туманидаги 573-МТМда ўтган анъанавий август кенгашида малакали тарбиячи ва мураббийлар методик тавсия ҳамда дидактик материаллардан самарали фойдаланиш бўйича машғулотлар ўтиб беришди. Айниқса, 580-боғча тарбиячиси Гулнора Муротованинг «Апликацион материаллардан гулдон

ясаш» мавзусидаги ноанъанавий машғулоти усули, 582-МТМ тарбиячиси Назира Ниёзованинг янги педагогик технологиялар асосида катта ва тайёрлов гуруҳларига мослаштирилган машғулоти йиғилганларга маъқул бўлди.

Шўба йиғилишида болаларнинг ўзбек ва рус тилини яхши ўзлаштириши, нутқ маданиятини шакллантириш ва физиологик жиҳатдан соғлом бўлиши учун эътибор қаратилиши сингари зарур жиҳатлар атрофлича муҳокама қилинди.

СУРХОНДАРЁ вилоятидаги 2-академик лицейда халқ таълими ходимларининг анъанавий Август кенгаши ялпи йиғилиши ўтказилди. Билим маскани тажрибали устоз-мураббийларнинг илғор педагогик усуллари, ижодий ишлари — стенд, буклет, альбом, реферат,

ЯНГИ МАҚСАДЛАР САРИ



Таълим тараққиёт билан ҳамқадам бўлиш зарур. Бу йилги анъанавий август кенгашларида ўқитишнинг замонавий усуллари ва илғор педагогик технологияларни ўқув-тарбия жараёнига жорий этиш, айрим фанлар чуқур ўқитиладиган синф ва мактабларни тажрибали педагог кадрлар билан таъминлаш, компьютер ва ўқув-лаборатория жиҳозларидан самарали фойдаланиш ҳамда оила, маҳалла, таълим муассасаси ҳамкорлигини янада кучайтириш каби вазифаларга бугунги замон талабларидан келиб чиқиб янги ёндашув масалалари кенг таҳлилга тортилмоқда.

Шайхонтоҳур туманидаги 316-мактабда ўтказилган кенгашнинг шўба йиғилишлари ноанъанавий тарзда, турли интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда ташкил этилгани билан алоҳида аҳамият касб этди. Жумладан, Халқ таълими тизимида коррупция жиноятларига йўл қўймаслик, директор жамғармасидан қонуний фойдаланиш, таълим муассасасида мобил телефонлардан фойдаланиш қоидалари, Васийлик кенгаши тўғрисидаги Низом мазмун-моҳияти билан педагогларни яқиндан таништириш мақсадига турли давлат идора ва ташкилотларидан мутахассислар жалб этилгани аниқ мўлдоо бўлди.

Шунингдек, Олмазор туманидаги 28-мактабда ўтказилган анъанавий Август кенгаши ҳам маънавият ва ўқув хоналарини жиҳозлаш тартиби, иқтидорли ўқувчиларни хорижий тиллар ҳамда компьютер билимдонлигини ошириш омиллари, мактаб ўқувчиси формаси каби долзарб вазифалар ўзига хос тарзда муҳокама тортилгани билан аҳамиятли бўлди. Август кенгашлари якунида таҳлиллардан келиб чиқиб келгуси вазифалар белгилаб олинди.

Бурхон РИЗОКУЛОВ олган суратлар.

Avgust kengashlari

дарс ишланмалари билан билан безатилди.

Айниқса, Музработ туманидаги 2-мактаб кўргазмаси, 32-мактаб спорт ва санъат соҳасида эришган ютуқлардан ҳикоя қилувчи медаллар шодаси, Шўрчи туман «Баркамол авлод» болалар марказининг ўқувчилик, дурадгорлик, мунчоқли безак тўғраги аъзолари ишларидан намуналар, Қумқўрғон туманидаги 2-МТМ, Жарқўрғон туманидаги 3-мактаб ва 6-МТМ, Термиз туманидаги 12-МТМ, Денов туманидаги 1—4-мактаблар, Узун туманидаги 2-мактаб, 14-, 20-МТМ кўргазмалари, Шеробод туманидаги 2-мактабнинг жонли бурчаги кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Анжуманда вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Паризодаев ҳамда вилоят ҳокими ўринбосари Парда Маъдиев ўтган ўқув йилида эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликларга тўхталиб ўтди. Шундан келиб чиқиб, 2012-2013 ўқув йилида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

НАМАНГАН вилояти Тўрақўрғон туманидаги 51-умумий ўрта таълим мактабидида ташкил этилган анжуманда таълим сифати ва самарадорлиги янгиланган интилиш, ташаббускорлик ва ижодий ёндашув орқали таъминланиши ҳақида сўз юритилди.

Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман бўлимининг бошланғич таълим услубчиси Мунира Акбарова 2012-213 ўқув йилида ўқитувчилар олдида турган долзарб вазифалар ҳақида маъруза қилиб, иштирокчиларни Республика таълим марказининг тавсиялари билан таништирди.

“Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” кўрик-танловининг республика босқичи ғолиби М. Абдуллаева ўтиб берган намунавий “Мустақиллик дарси” ҳам ҳамкасбларида катта таассурот қолдирди.

Тўрақўрғонлик бошланғич таълим педагоглари август кенгаши шўба йиғилишларида “Ўқувчи маънавиятини шакллантиришда тарбиявий соатларнинг аҳамияти”, “Ўқув режасидаги ўзгаришлар” сингари мавзуларда ўзаро фикр алмашдилар.

ЖИЗЗАХ вилояти Зафаробод туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимида ўтган Август кенгашларида ўқитувчилар дарсликлардаги ўзгаришлар ва янги электрон дастурлар билан таништирилди.

Ноанъанавий тарзда уюштирилган тадбир баҳс-мунозараларга бой бўлди. 2012-2013 ўқув йилида «Дарс — муқаддас» тавсияси асосида ўқувчиларга янада чуқур билим бериш, замонавий ахборот-коммуникацион технологиялардан самарали фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Муҳокамадан сўнггида тарбиявий соатлар орқали ўқувчи маънавиятини юксалтириб, қўшимча машғулотлар ёрдамида ўтилган дарсни мустаҳкамлаб боришга келишиб олинди.

Жойларда Август кенгашлари ялпи ва шўба йиғилишлари давом этмоқда.

Шоира БОЙМУРОВА,
Насиба ЭРХОНОВА,
Норкуват ТўРАЕВ,
Ғанишер АКБАРОВ,
Абдусаттор СОДИКОВ
«Ma'rifat» мухбирлари

Фарзандини биринчи синфга берган аксарият ота-оналар ўқитувчи билан ҳар куни гаплашгиси, боласи дарсни қандай ўзлаштираётганини билгиси келади. Гап орасида ўқитувчига: «Боламни олдинги партага ўтказин!» дея тайинлайди. Аммо синфдаги барча ўқувчига биринчи партадан жой топиб бўлмайдими-ку! Бундай пайтда ўқитувчи ва ота-оналар қандай йўл тутгани маъқул?

Шарофатхон Зулпияева,
Қува туманидаги 2-мактаб ўқитувчиси:

— Ота-оналар илтимоси ва ўқувчилар хоҳишини инобатда олиб, мактабимиздаги тўртта синфда «Занжир» усулини қўллаяпмиз. Ўқувчилар бугун биринчи партада, эртага иккинчи, индинига учинчи партада ўтириб, ўрин алмашади. Натижада ўқувчи синфдаги

ларни ўтирган ёки тик турган ҳолда бажариш мумкин. Фақат машқлар ораллигида ўн сониягача кўзни дам олдириб, қаттиқ очиб-юмиш керак.

1. Телага сўнгра пастга қараш — 10 марта.
2. Ўнг ва чапга қараш — 10 марта.
3. Кўз билан «айлана расмини чизиш» — 10 марта.
4. Кўз билан «саккиз рас-

хисобга олган Ҳамза туманидаги 204-мактабнинг бошланғич синфларида ҳар ойда бир марта, юқори синфларда эса ҳар чорақда «Ўрин алмашиб, ўртоғимга яқинлашаман» тажрибаси қўлланади.

Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги 33-мактабнинг математика фани ўқитувчиси Юлдуз Бобобекова мавзуга тегишли фикрлари билан ўртоқлашди:

— Синфларда қаторлараро мусобақалар ўтказиш фаоллик ва ахилликни мустаҳкамлайди. Ўттиз йиллик иш тажрибамга таяниб айтишим мумкинки, бундай ҳолда ҳар бир ўқувчида синфдошига ёрдам қўлини қўзиш, билмаган нарсаларини ўргатиш кўникмаси шакллана-

бошқа тенгдошларидан кўра яқинроқ ҳис қилади. Бу эса унга кўтаринки руҳ беради. Ўқитувчининг «Бўрни олиб бер, доскани арт, дафтарларни йиғиб чиқ!» каби мурожаатларини ҳам алоҳида эътибор рамзи сифатида қабул қилади. Кейинчалик, биринчи партага ўтирган синфдошига нисбатан муносабати ўзгаради. Чунки унда «бу жойга фақатгина мен ҳақлиман» деган нотўғри тушунча шаклланади. Лидерликка даъвогарлик қилишга бутун синф жамоасининг ҳаққи борлигини тан олгиси келмайди.

Орқа парта

Орқада ўтирган бола ўқитувчидан ўзини узоқроқ ҳис

Munozara

дарсни «бузувчи» ўқувчилар сони камаяди. Ўқувчиларга ҳар бирининг жамоада ўз ўрни борлиги болаларча содда қилиб тушунтирилса, норозиликлар камаяди. Агар шундан кейин ҳам жой тақсимида муаммо туғилса, ўқувчилар хоҳишига қулоқ тутиш керак. «Ўялдингми?», «Нима учун?», «Ким билан ўтирмақчидинг?» каби саволлар билан болаларнинг истагини билиб олиш мумкин. Зотан, бугунги тарбия тамойиллари шахс эркинлигига асосланаяпти, мажбурлаш орқали тартибларга бўйсундириш оқланмаяпти.

«БОЛАМ БИРИНЧИ ПАРТАДА ЎТИРСИН!»

барча парталарда бир-бир ўтиради.

Бу усулнинг афзал томонлари кўп. Тошкент педиятрия тиббиёт институтининг «Офтальмология ва болалар кўз касалликлари» кафедраси ходими, биринчи тоифали шифокор Зухра Алимованинг айтишича, ҳар куни доскага яқин ва узоқ масофада ўтириш ўқувчиларнинг кўриш қобилиятига ижобий таъсир кўрсатади.

— Баъзида ота-оналар фарзанди мактабга борганидан қувониб, унинг янгича муҳитга мослашуви билан қизикмайди, — дейди шифокор. — Амалиётдан маълумки, айрим болаларда ўқиш давомидида кўриш қобилияти билан боғлиқ муаммолар юзага келиши кузатишган. Бундай пайтда ота-оналарни кўз қизариши, қичиши, ёшланиши, кўриш қобилиятининг пасайиши, кўзда ажралмалар пайдо бўлиши боланинг қайси партада ўтиришига боғлиқми, деган савол қўйнайди.

Болалар мактабга чиқишдан олдин тиббий кўрикдан ўтказилади. Агар қандайдир касаллик аниқланса, мутахассис кўригига жўнатилади. Бироқ текширувдан муваффақиятли ўтган бўлса-ю, ўқиш бошлангач, кўриш органида муаммо пайдо бўлса, унга бошқа омиллар сабаб бўлиши мумкин. Мисол учун, ўқув доскаси билан парта орасидаги масофа 5 метрдан кўп бўлганда майда ҳарфларни кўришга ўқувчи қийналади. Ёки партада нотўғри ўтириши ҳамда мутасил бўйинни эгиб, китоб-дафтарларга тикилиши натижа-сида умуртқа поғонасининг бўйин қисмида зўриқиш кузатилади ва бу қон айланишининг бузилишига, қислород етишмаслигига, кўз қизаришига олиб келади. Синфда ўқувчиларнинг вақти-вақти билан ўрин алмашуви кўз касалликларининг олдини олишда ёрдам беради. Деразалар бир томонлама бўлгани учун ёруғлик хонанинг тўрт бурчагига бир хилда тушмайди. Шу боис қаторларни ҳам тез-тез ўзгартириш мақсада мувофиқ. Уч-тўрт соат мобайнида мутасил ўқиш-ёзиш билан шугулланганда кўз толиқшининг олдини олувчи машқларни бажариш ҳам жуда фойдали.

Кўз машқлари

Тасвия этилаётган машқ-

ёхуд синфдаги ҳар бир болага биринчи партадан жой топиб бериш имконияти мавжудлиги хусусида

мини чизиш» — 10 марта.

5. Кўзни 3-5 сония маҳкам юмиб, худди шунча вақт очиб туриш — 10 марта.

6. Кўз 1-2 дақиқа юмилиб, қўлни ёстиқ қилган ҳолда бош-ни қўйиш.

7. Бармоқлар орқали енгил ҳаракат билан қовоқлар атрофини айлана шаклида камида ўн мартадан силаш.

«Занжир» усулини қўллаётган мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Нилуфар Ҳасанова тажрибанинг афзалликларини ҳақида шундай дейди:

— «Менинг мактабим — менинг фахрим» лойиҳаси бўйича ҳар бир ўқувчи ўз партаси ва стулга жавобгар саналади, уни асраб-авайлайди, чизмайди, синдирмайди. Биз уч йилдан бери қўллаётган тажрибада эса бола синфдошининг партасига ҳам шундай муносабатда бўлади. Хона жиҳозларини, тенгдошининг партасини тоза сақлаб мактаб мулк-ини асрашни ўрганади.

Авваллари болаларни партага жойлаштиришда «бўй» тенденциясига амал қилиниб, паст бўйлилар доскани яхши кўриши учун олдинги ўтказиларди. Бу эса доим орқа партада ўтиришга мажбур баланд бўйлиларнинг руҳиятига салбий таъсир этарди.

Ҳамза туманидаги 204-мактаб психологи Тамара Жуманованинг фикрича:

— Айрим ўқувчиларнинг доимий равишда биринчи ёки орқа партада ўтириши синфда носоғлом муҳитни юзага келтиради. Биринчи партада ўтирадиган бола ўзини синфдошларидан устун ҳисоблайди, унда бошқаларга паст назар билан қараш ҳолати кузатилади. Аксинча, фақат орқа партада ўтирадиган бола ўзини эътибордан четда деб билади, дарсга юзаки қараб, ўзлаштириш даражаси пасайиб кетиши мумкин. Унинг онгидида «мавзуну барибир мендан сўрамайди» деган фикр шаклланади. Улғайгач ҳам етакчиликка интилмай, кўпчилик бажарган вазифаларни адо этишга одатланади.

Тарбияга салбий таъсир этувчи бу каби омилларни



ди. Раҳбарлигимдаги 6-синфда олд ва орқа партада ўтирадиган ўқувчилар ўртасидаги тафовутни йўқотиш мақсадида турли ўйинлар ўтказаман. «Шахмат» ўйинида ўқувчилар доналар каби тезда алмашиб, адашмасдан ўринларини топиш-шади ва шу кунга ҳамма эгалаган жойида ўтиради. Кейинги ҳафта худди шундай ўйин ўйналади. Бу болаларга «Парталарингизни ўзгартиринг!» дея буйруқ бергандан кўра ёқимли таъсир кўрсатади. Ёки орқа партани «яхши кўрадиган»ларни олдинга сил-житишда ҳам шу каби ўйинлардан фойдаланаман. Олдинги парталарни бўш қолдириб, доскага топшириқни ёзаман. Ўйин голиби биринчи партага ўтиради. Натижада «узоқдаги» ўқувчиларим «менга ҳам ўқитувчим эътибор бераётган ёки мен ҳам яхши ўқиб, ўзимни кўрсатсам бўлар экан» деган руҳ билан ўқишга интили-шади. Афсуски, кўпинча бу ўйинда орқада ўтирадиган ўқувчиларим иштирок этишни хоҳлашмайди. Чунки улар ўқитувчи нигоҳидан қочишга ҳаракат қилишди, ўзларини биринчи партада нуқул хис этиб, ҳаяжонланишди. «Орқадагилар» байрам тадбирлари ва жамоат ишларида ҳам четда туришди. Бундай вазиятда мактаб психолог уларни ўз «қолип»идан чиқаришга ҳаракат қилиб, тушунтириш ишлари олиб боради.

Биринчи парта

Олдинда ўтирадиган бола ўзини ўқитувчига синфдаги

қилгани учунми, ўзаро масофа сақлайди. Дарс пайтида бошқа ишлар билан машғул бўлишга имкон қидиради, вазифа ва топшириқларни бажаришга масъулият сезмайди. Энг оғрикли нуқта шундаки, орқада ўтирадиган ўқувчига паст ўзлашти-рувчи сифатида муносабатда бўлинади. Аслида эса, бундай ноўрин қарашни ўзгартариш керак. Ўзлаштириш партага эмас, бола қобилиятига қараб белгиланади.

Муаммоли вазият

Биринчи синфга борганига эндигина икки ҳафта бўлган қизалоқ дарсдан кейин уйига хафа ҳолда кириб келди: мактаб жонимга теғди! Она англадики, қандайдир нохуш ҳолат рўй берган. Тушлукдан сўнг қизча «ёрилди»: бутун ўқитувчимиз ҳаммамнинг жой-ини ўзгартирди. Мени ўртоғим Гулнозанинг эмас, Сардорнинг ёнига ўтқазиб қўйди. Ўғил бола билан ўтирмайман!

Бу каби ҳолат барчамизнинг бошимиздан ўтган. Ҳўш, ўғил ва қиз боланинг бир партада ўтириши тўғрими?

Бу борада **Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги 50-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Равзахон Ўрмонова** шундай фикр билдирди:

— Ўғил ва қиз бола бир партада ўтириши ўқитувчига фойда. Сабаби, менталитети-мизга хос табиат: ўқитувчи қаршида икки жинсдаги ўқувчи ўзаро кўп гаплашишга истиқола қилади. Натижада

Шундай экан, ўқитувчи жой тақсимида «занжир» усули-дан фойдалангани маъқул. Шунингдек, аълочи ва бўш ўзлаштирувчи ўқувчининг бир партада ўтириши натижасида тенгдошининг тенгдошга меҳ-ри ортади.

Мавзу доирасида маълумот-лар тўплаш асносида бошлан-ғич синфларда яна бир таж-риба қўлланилаётганига гувоҳ бўлдик. Олти ва етти ёшли бола бирга ўтирса-да, кичик ўқувчининг мактабга мослаш-ви енгил кечар экан. Яна бир жиҳат: ўнг қўлда ёзадиган ўқувчи билан чапқайлар бир партада ўтирганда бир-бирла-рига ҳалақат беришлари мум-кин. Ўқитувчи буни назардан қочирмаслиги керак.

Муҳокамадаги масалага ҳу-лоса ва ечим излаб, ота-она-лар фикри билан қизиқдик. — Ўғлим биринчи ва иккин-чи синфларда тўрттинчи парта-да ўтирарди. Очиғи, дарс тай-ёрлашга унчалик қизиқмасди. Бу ишга доимий назоратимиз остида қиришарди. Учинчи синфда анча фаоллашди, уйга вазифаларини масъулият бил-ан бажарадиган бўлди. Кей-ин билсам, бугун ҳамма фан-лардан беш баҳо олган ўқувчи кейинги кун биринчи парта-да ўтираркан. Энг муҳими, яхши ўқимайдиган болаларни ҳам шу усул орқали фаоллаш-тириш мумкин экан, — дейди Фарида Назарова.

Педагог синфга кириб, фа-қатгина дарс ўтиб қибил ке-тиш кайфиятидан йироқ бўли-ш лозим. Зеро, қуйи синф-лардан ўқувчилар ўртасида соғлом муҳитни шакллантир-масдан билим олишга қизи-қиш уйғотиш мушкул. Ўқувчи ўтирадиган партанинг бу бо-радаги аҳамияти катталиги эса исбот талаб қилинмаслиги ак-сиома даражасига кўтарилган.

Муҳтарам устозлар, дарс мобайнида ўқувчининг ўтирган ўрнига эътиборли бўлинг. Мавзуга дахлдор ўзига хос тажрибаларингиз ҳақида бизга ёзиб юбо-ринг, ютуқларингизни бо-шқа ҳамкасбларингиз бил-ан ҳам ўртоқлашинг.

Насиба ЭРХОНОВА,
«Ma'rifat» мухбири


БУХОРО ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ

жамоаси

мамлакатимиз халқини
Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг 21 йиллиги

билан самимий
муборакбод этади!

Илму маърифат йўлидаги
саъй-ҳаракатларимиз самарали,
ютуқларга бой бўлсин!



Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!



НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Озод ва обод
Ватанимиз
фуқароларини,
ушбу кувончли
кунларда
мамлакатимизга
ташриф буюрган
меҳмонларни,
Ўзбекистон
Республикасидаги
барча таълим ва фан
ходимларини
**Мустақилликнинг
21 йиллик байрами
билан қутлаймиз!**

Доимо юзингиздан
кувонч аримасин.
Мамлакатимиз
мустақиллигини
мустаҳкамлаш, порлоқ
истикболи йўлидаги
сермашаққат, айна
дамда шарафли
меҳнатларингизда
улкан зафарлар
ёр бўлсин!

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» АЙЁМ МУБОРАК!

Фаргона шахридаги 30-умумтаълим мактабида АРМ фаолияти замон талаблари даражасида йўлга қўйилган.

Ахборот-ресурс марказининг икки нафар ходими 1500дан зиёд фойдаланувчига хизмат кўрсатади. Мавжуд 3267 дон абадий асарнинг 3267таси лотин алифбосида бўлиб, китоб ва газета-журналлардан Шодлик, Шаршара, Ёрмазор маҳаллалари аҳолиси ҳам баҳраманд. Ҳар йили «Мактаб-кутубхона-оила-жамоат ташкилотлари» хайрия тадбири ўтказилади. Бу йилги акцияда мактаб ўқувчиси ва ўқувчилари АРМга 200та китоб тўхфа қилди.

Таълим муассасасидаги маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда АРМнинг ўрни катта. Давлатимиз ҳаётидаги муҳим саналарга, умумхалқ байрамларига, буюк аждодларимиз таваллуд айёмларига бағишлаб ташкил этиладиган тадбирлар кутубхоначилар кўмагида янада сермазмун ўтмоқда.

Ота-оналар фарзандларининг АРМ хизматидан унумли фойдаланиб, билимларини бойитиётганидан мамнун.

МУҲИМ АНБАЛАР АКОНИ

— Қизим Барнохон узоққа бормай, шу ёрнинг ўзида фанларга оид кўплаб маълумотларни олмоқда. Касбий кўникмаларини ошириш учун

ARM faoliyatidan

ҳам зарур материаллар АРМда кўп экан, — дейди ота-оналардан Санобархон Эгамбердиева.

— Синфдошимиз билан келиб, китоб ва газета-журналлар ўқиймиз, — дейди биз билан суҳбатда ўқувчи Мохинур Набиева. — Сухандонликка қизиқаман. Шу боис сўз бойлигини оширишга эҳтиёж сезаман. Яқинда вилоятимиздаги «Рухсор» телеканалига бориб, имкониятларимни синаб кўрдим. Ҳали ўз устимда жуда кўп ишлашм зарурлигини ҳис этдим. Бунда менга АРМ яқин-

дан ёрдам беради, деб ишонаман.

30-умумтаълим мактаби директори Сарвархон Маҳмудова билан суҳбатимиз галдаги режалар хусусида бўлди:

— 2012-2013 ўқув йилида мактаб веб-сайтини яратиш, АРМ ходимлари малакасини ошириш бўйича белгиланган ишларимизни охирига етказишимиз зарур. Аҳмад ал-Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази, вилоят ва шаҳар АРМлари ҳамда 40-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби билан ҳамкорликни кучайтирмоқчимиз. Ўқитувчиларимизни замонавий ахборот технологияларидан янада кўпроқ фойдаланишга ўндаймиз. Инглиз тили ўқитувчилари Нилуфар Усмонова ва Шавкатжон Ҳомидов, немис тили мутахассиси Дилдора Мадаминаова, кимё фани



ўқитувчиси Камолитдин Асқаров каби педагог ходимларимиз «ZiyoNET» ахборот таълими тармоғи материаллари асосида юқори савияда дарс ўтиб, барчага ибрат бўлмоқда. Ўзим ҳам «ZiyoNET» тармоғидан битирувчиларни коллеж ва академик лицейларга қамраб олиш бўйича маълумотларни олиб, бошқа вилоятлар тажрибасини ўргандим, — деб таъкидлайди мактаб директори. — Янги ўқув йилида бу ишларимизни давом эттириб,

«ZiyoNET» тармоғи ва «Uzedu.uz» сайтидан янада кўпроқ фойдаланиб, таълим сифатини оширишга ҳаракат қиламиз.

Ахборот-ресурс марказлари таълим муассасалари фаолиятини яхшилаш, таълим сифатини ошириш ва аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришда асосий омил бўлаётгани айтиш ҳақиқатдир.

Баҳодиржон ШОКИРОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Мактабда ўқиб юрган кезларимиз нафақат алгебра, балки бошқа фанларга оид саволларимизга ҳам ҳафсала билан жавоб берадиган математика ўқитувчимизни ҳурмат қилардик. У имло қодалари, физика ва кимё фанига доир билимлардан ҳам хабардор эди. Бугун ўзим мактабда физика фанидан дарс бераман. Фаолиятимда устозимнинг сабогига амал қилиб, унинг тажрибасидан фойдаланишга интилаяпман.

Мозийга назар ташласак, қадимда дунёвий билимлар яхлит ҳолда фалсафа таркибида ўрганилган. Инсон тафаккури юксалиши ва тараққиёт натижасида мустақил фанлар шакллана бошган. Бу эса барча фанларнинг илдири битта эканини билдиради. Демак, таълим жараёнида уларни ўзаро боғлиқ ҳолда ўргатиш орқали самарадорликни ошириш мумкин. Акс ҳолда, турли мавжумликлар юзага келиши табиий.

га оид маълумотларни ёдида сақлаб қолиши осонлашади.

Бир-бирини тўлдирувчи фанлар ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганилмаса, кўплаб тушунмовчиликлар пайдо бўлади. Масалан, тезлик, масофа, вақт каби ўлчов бирликларини ўқувчилар дастлаб математика фанида ўрганишса-да, уларнинг физикавий белгиларини билишмайди. Негаки, математика ўқитув-

Tajriba

ВАЗИФАНИ ЎҚУВЧИ МУСТАҚИЛ БАЖАРСА...

Биология фани амалий, лаборатория-тажриба ишларини юқори технологик савияда ташкил этишни тақозо этади. Бунда ўқувчига янги материалларни ўрганиш, кузатиш, табиий объектлардан фойдаланиш усулини татбиқ этиш имкони берилади.

Лаборатория машғулотида, аввало, ўқитувчи аниқ ишни бажариш режаси ва топшириқлар билан ўқувчиларни таништириши лозим. Шундан сўнг ҳар бир боланинг фаол иштирокини таъминлаш учун синф жамоаси кичик гуруҳларга бўлинади. Лаборатория машғулоти ва амалий ишлар вақтида тингловчилар ўтилган мавзунинг такрорлаб, чуқурлаштириб, бир тизимга солишади. Жараёнда ўқувчилар тадқиқот ишларини ҳам ўтказгани боис бир неча асбобларни комплекс равишда ишлатишни ўрганади.

Мисол учун «Ўсимлик ва ҳайвон ҳужайраси» мавзусига доир қуйидаги тадқиқот лойиҳасини олайлик. Педагог иш тартибини аниқ ташкил этиши лозим. Шу боис машғулоти босқичларини тартиб билан беришни маъқул кўрдик:

1. Буюм ойнасига томизгич ёрдамида бир томчи сув томизилади.

2. Йўсин ўсимлиги яшил баргидан олиб буюм ойнасига сув томчисига жойлаштирилади ва қоплагич ойна билан ёпилади, четидаги ортиқча сув филтёр қоғози ёрдамида шимдириб олинади.

3. Тайёрланган вақтинчалик микропрепарат микроскоп остида кўрилади. Йўсин ҳужайраси юпқа, пўсти рангсиз, цитоплазмаси бир неча хлоропластлар ва ядродан иборатлиги кўринади.

Микроскопда микропрепаратлар тўпламидан ҳайвон, ўсимлик ва бактерия ҳужайраси навбати билан кўрилади. Ўқувчи кўз ўнгига жонланган ҳужайра ва унинг қисмлари дафтарга ёзиб, чизиб олинади.

Тадқиқотда ўсимлик ва ҳайвон ҳужайраси ва уларнинг қисмлари бир хил эмаслиги исботланади. Бундай вазифалар болаларнинг масалаларини мустақил ечиш, биологик тажрибаларни кетма-кетликда амалга ошириш малакасини ривожлантиради. Ўқувчи ўқув-лаборатория машғулотларини мустақил бажарса, мавзу юзасидан чуқур маълумотга эга бўлади, кичкина воситаларни ҳам назардан қочирмасликка ҳаракат қилади. Энг муҳими, ижодий ва мантикий фикрлашга ўрганиб, уйда ҳам амалий топшириқларни қийналмасдан ечади. Шу тариқа болаларнинг илмий дунёқараши ҳам кенгайди.

Феруза ФОЙИБНАЗАРОВА,
Сирдарё вилоят ПҚҚТМОЙнинг
«Табиий ва аниқ фанлар»
кафедраси катта ўқитувчиси

ФАНЛАРАРО ЎЗARO БОҒЛИҚЛИК

дарсларни шу асосда ташкил этиш ўқувчи
билими сифатини таъминлайди

Дейлик, ўқувчига физикадан маъруза тайёрлаш вазифаси юклатилди. У топшириқни бажаришда кўплаб грамматик хатоларга йўл қўйган. Агарда фақат физика фани нуқтаи назаридан қараб, бошқа камчиликлардан кўз юмсақ, бефарқлигимиз билан ўқувчига зиён етказган бўламиз. Шундай пайтда ҳеч бир камчиликни назардан қочирмай, тўғри йўл кўрсатиш, кесарак бўлса, она тили фани ўқитувчиси билан ҳамкорликда нуқсонларни бартараф этиш лозим.

Физик ихтироларни ўргатаётганда ўқувчиларнинг тарих фанидан билимларини интерфаол усулда синаб кўраман. Масалан, олим яшаган давр маданияти, санъати, ўша пайтга хос тарихий воқеалар, давлат тузилмалари хусусида савол-жавоб уюшгирсам, ўқувчиларнинг фикр доираси кенгайиб, ихтироларни келтириб чиқарган ижтимоий шарт-шароитлар ҳақида ҳам ҳулоса чиқаради. Қолаверса, ҳар икки фан-

чиси ҳисоб-китобни рақамлар ёрдамида бажаришга эътибор қаратиб, формулалар билан ишламайди. Оқибатда физика ўқитувчиси тегишли мавзуларни қайтадан тушунтириши ортиқча вақт талаб этиб, асосий мавзу тўлиқ ўзлаштирилмай қолади.

Молекуляр физика бўлимида ўрганиладиган модда микдори тушунчаси кимё фанида ҳам бор. Бироқ физика фани халқаро бириқлар тизимида ишлангани боис кўпинча бир тушунча турли атамаларда юритилади. Бундан ўқувчиларда иккиланиш келиб чиқиши табиий. Шу боис фан ўқитувчилари ўзаро келишиб олиши ёки яқин мавзуларни ҳамкорликда ўтиши мақсадга мувофиқдир. Айниқса, атом ва ядро физикаси, молекуляр физика бўлиmlарини ўрганишда ҳамкорлик ниҳоятда самарали эканини ўз фаолиятимда кўп кузатганман.

Садр ИДИЕВ,
Ғиждувон туманидаги 49-мактабнинг
физика фани ўқитувчиси

2012-yil — Mustahkam oila yili

Оила ва оилавий муносабатлар кишилар ҳаёти ва турмуш тарзининг ажралмас таркибий қисмидир. Қолаверса, оилада жамиятнинг асосий тамойиллари, идеаллари, талаб ва эҳтиёжлари намойён бўлиб, ижтимоий муносабатларнинг туб хусусиятлари акс этади. Айни пайтда, оила янги инсонни вужудга келтириш, тарбиялаш, маънавий ва жисмоний шаклланишини таъминлаш орқали муайян ижтимоий жараёнга фаол таъсир кўрсатади.

Оила жамият билан ўз функциялари орқали муносабатга киришади. Бу вазифаларнинг кўлами ва бажарилиш даражаси шу халқлар яшаб келаётган даврдаги ижтимо-

вазифасини ўтаган бўлса, адолатли жамият, мустақкам оила, эътиқодли, жисмонан ва маънан баркамол авлодни тарбиялаш гоёларини ўзида мужассам этган ислом таълимоти муҳим асос ва устун бўлиб хизмат қилди. Ислом таълимоти ва Ўрта Осиё мутафаккирларининг умуминсоний гоёларга таянган қарашларида ҳам оилавий муносабатлар ва фарзанд тарбиясига доир илғор фикрлар илгари сурилган бўлиб, улар ҳозирги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Абу Райҳон Беруний: "Инсон жамиятда ўз қариминшо-уруғлари билан бирлашиб олишга мажбурдир, бундан мақсад бир-бирини қўллаб-

алган жамоатчилик аънаналари чуқур тарихий илдишларга эга. Бу тартиботнинг ибтидоси минтақа халқларининг энг қадимий ёзма манбаси ҳисобланган «Авесто» китобида баён этилган. Ёзма ва археологик манбаларда минтақанинг қадимий шаҳарлари аҳолиси орасида жамоалар фаолият кўрсатгани, фақат турмушдагина эмас, балки ишлаб чиқаришда ҳам жамоа асослари мавжудлиги қайд этилган. Ўрта асрларда жамоа сугориш тизимини ташкил этиш, деҳқончилик билан шугулланиш мумкин бўлган қишлоқ, шунингдек, шаҳар аҳолиси учун ҳам ўзининг илгариги аҳамиятини сақлаб қолган ва барча удум, маро-

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ БЕШИГИ

ий-иқтисодий муносабатлар, турмуш тарзи, уларнинг урф-одатлари, дини, қадриятларига боғлиқ. Оила ўз вазифасини тўла бажариши учун эр-хотиннинг масъулияти доимо бир хил бўлмаган. Балки, замон ўзгариши билан ўзгарган ва шунга мос тарзда, эркак ва аёлнинг оила ва жамиятдаги мавқеи ҳам ўзгариб борган.

"Ватан туйғуси оилавий меҳрдан бошланади. Агар оила соғлом ва мустақкам бўлса, маҳалла тинч ва ҳамжихат, агар маҳалла мустақкам бўлса, давлат оқсоқлига ва барқарор бўлади", дея таъкидлайди мамлакатимиз раҳбари. Ҳўш, оила деганда биз нимани тушунамиз? Махсус этнографик адабиётларда ёзилишича, оила никоҳ ёки туғишганликка асосланган кичик гуруҳ ҳисобланади. Унинг аъзолари рўзгор бирлиги, ўзаро ёрдам ва маънавий масъулияти билан бир-бирига боғланган. Бошқача айтганда, оила ҳаётнинг ва авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, келажақ насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган ўзига хос миллий қадриятларга асосланган тарбия ўчоғидир. Ўзбекларнинг оилавий муносабатлар ва фарзанд тарбияси аънаналари асрлар давомида шаклланиб келган. Мазкур аъналарнинг илдишлари жуда қадим замонларга бориб тақалади. Аждодларимизнинг оила билан боғлиқ турли аъналарни бўйича илк бора қадимий зардуштийлик динининг муқаддас китоби "Авесто"да зикр қилинган. Зардуштийлик эътиқодидаги жамиятнинг никоҳга муносабати, оила ва жамият, ота-она ва фарзандлар орасидаги ўзаро муносабатларга оид қарашлар дастлабки пойдевор

қувватлаш ҳамда ҳар бир кишининг ҳам ўзини, ҳам бошқаларни таъминлаш учун ишларни бажаришдир", деган хулосага келади. Умуман олганда, Беруний таъкидлаганидек, оиладаги ёмон тарбия, фақат шу оиланинг ўзигагина эмас, атрофдаги бошқа оилаларга ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Халқимиз оила қуриш аъналарига риоя қилган ҳолда қиз узатиш ёки қувв ташлашда қудда бўлмиш томон хусусида маълумотга эга бўлиб, уларнинг ижтимоий келиб чиқиши, жамоада тутган ўрнини ҳисобга олади. Агар қувв ёки келин бўлмиш томоннинг ақли, одоби, ҳусни-малоҳати бир ҳисса бўлса, уларнинг қариндош-уруғлари, авлоднинг жамоадаги мавқеи ва бу хусусдаги жамоатчилик фикри иккинчи, аксарият ҳолларда ҳал қилувчи омил вазифасини ўтайди. Фарзандларни ҳашига қўйиш, бу борада хато қилиб қўймасликда жамоа, жамият раъйи, кўпчиликнинг кенгашли фикри муҳим роль ўйнайди. Шу боисдан ҳам жамоатчилик фикрининг шахс турмуш тарзи, тақдирини белгилашдаги устуворлик мавқеи бекиёсдир. Инчунин, бу ўринда «Ғарб қонунлар, Шарқ урф-одатлар билан бошқарилади» деган нақлни ҳам эслаб ўтмоқ ўринли. Дарҳақиқат, Шарқда, шу жумладан, ўзбекларнинг турмуш тарзида қўллаб урф-одатлар қонунлар даражасида юқори туради. Жумладан, оила даражасида ёнқин кенг жамоатчилик ўртасида ўтказиладиган барча маросимларимизда маҳалланинг бош-қош бўлиши, қўни-қўшничилик аъналаримиз, оила-турмуш маросимларимиздаги қўллаб урф-одатларга қўнун даражасида амал қилинади ва жамоага асосий эътибор бериледи. Ўзбеклар орасида кенг тарқ-

симлар қишлоғу шаҳарларда маҳалла жамоаларининг ташаббуси билан ўтказилган.

Катталарни ҳурмат қилиш ўзбеклар ва бошқа Шарқ халқларининг умуминсоний удумларидан бўлиб, болага жуда ёшлигидан бошлаб ўргатилган. Ёши катта кишининг ишига ёрдамлашиш одат ва одоб ҳисобланган. Жамоа етакчисининг ёки оила бошлигининг қарори оила ва жамоа манфаатларига мос келгани учун уни бажариш амри вожиб бўлган. Қариялар ўтмишдан мерос бўлиб келаётган ва кундалик ҳаёт учун зарур билимлар, таомил, урф-одатларни ёшларга ўргатганлар. Болалар нафақат ота-онанинг, балки қишлоқ ёки маҳалла жамоаси, катталарнинг ҳам диққат-эътиборида бўлган. Ёшлар айнан жамоада миллий маросим ва урф-одатларни ўрганиб боради.

Ўзбек халқининг ҳаётида мавжуд тартиб-қоидалар халқ аъналариде ҳамда ислом дини ва шарият қоидалари асосида юзага келган, албатта. Одоб қоидаларига риоя қилиш оилалардан бошланган. Дастурхон оиланинг кўрки, тўқинлик рамзи ҳисобланган. Унинг атрофида йиғилиб ўтириш ҳам маълум одоб доирасида бўлган. Дастурхонга ҳурмат бажо келтириш одатга айланган. Таомланиш «Бисмиллоҳ» билан бошланади ва сўнгида ўтганлар ҳақиқа дуои фотиҳа қилиниб, триқларга саломатлик, рўзгорга қут-барака тилаб дастурхон йиғиштирилади.

Болаларнинг одоблиги, ахлоқий даражаси оиладаги тартиб-интизом ва аъналарнинг қатъийлигига боғлиқ. Қадим-қадимдан юртимизда ёшларни одоб-ахлоқли қилиб, инсонпарварлик руҳида тарбиялашда оила ва жамоанинг ўрни катта бўлган.

Адҳамжон АШИРОВ

ДАРСЛИК ВА ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИ ТАНЛОВИ

унда муаллифларнинг энг
муносиблари эътирофга
сазovor бўлади

Дарслик ўзига хос дастур бўлиб, ўқувчининг ақл-идрокини, миллий ва умуминсоний туйғуларини тарбиялайди. Юртимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ дарслик ва ўқув адабиётлари яратишга алоҳида эътибор қаратиб келинаёти. Чунонин, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикасидаги 2001 йил 6 июлдаги «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи танлови» ҳақида 2001 йил 6 июлдаги «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи танлови» ҳақида 2001 йил 6 июлдаги «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» республика танлови аънавий тарзда ўтказилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш педагог ва илмий катдрлар малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилаётган танловнинг салоҳияти юксалиб, муаллифлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётган. Бу, албатта, қувонарли ҳол. Ўзбекистон таълим стандартлари асосида ёшлар онгига миллий гоёни сингдириш, баркамол авлодни тарбиялаш, замонавий педагогик, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда илм-фан ютуқларини кенг татбиқ этилишига хизмат қиладиган янги авлод ўқув адабиётларини сифатли яратишда фаол иштирок этаётган муаллифлар масъулиятини ошириш ва уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсади қўзланган бу йилги танлов ҳам куйидаги 10та номинация бўйича ўтказилади:

- гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар бўйича яратилган энг яхши дарслик ва ўқув қўлланма;
- математика ва табиий-илмий фанлар бўйича яратилган энг яхши дарслик ва ўқув қўлланма;
- умумқасбий фанлар бўйича яратилган энг яхши дарслик ва ўқув қўлланма;
- мутахассислик (йўналиш) фанлари бўйича яратилган энг яхши дарслик ва ўқув қўлланма;
- ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёни ва амалиётга татбиқ этишга хизмат қиладиган энг яхши дарслик, электрон дарслик, дастурий маҳсулот ва ўқув қўлланма;
- ёшлар онгига миллий гоёни сингдиришга ва баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қиладиган энг яхши дарслик ва ўқув қўлланма;
- соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи энг яхши дарслик ва ўқув қўлланма;
- узвий ва узлуксиз таълим жараёнини шакллантирувчи энг яхши дарслик ва ўқув қўлланма;
- касбий қўнимка ва замонавий педагогик технологияларни татбиқ этишга хизмат қилувчи энг яхши дарслик ва ўқув қўлланма;
- маданият, санъат, архитектура ва дизайн соҳасига доир ўқув адабиётлари.

Айни пайтгача «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи—2012» республика танлови жами 207 номдаги ўқув адабиётлари келиб тушди. Айтиш жоизки, жараёнда ўқув адабиётлари сифатини яхшилаш, мазмунини такомиллаштириш, давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлашга эришилаётган. Замонавий ўқув адабиётларини яратиш концепциясини янада такомиллаштиришга хизмат қиладиган танлов натижалари 1 октябрь — «Ўқитувчи ва мураббийлар куни» байрами арафасида эълон қилинади ва ғолибларга мукофотлар ҳамда совғалар тантанали равишда топширилади.

Идрис АЛҚАРОВ,

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази бўлим бошлиғи, физика-математика фанлари номзоди, доцент

Мамлакатимизда иқтидорли ёшларга ҳар қачонгидан-да кўпроқ эътибор берилаяпти, ғамхўрлик кўрсатилаяпти, истеъдодларини намойён этишлари учун кўплаб танловлар ташкил этилаяпти. Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиби, Тошкент ирригация ва мелиорация институти 4-босқич талабаси Жасурбек Матёкубов бундай шароит ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, халқаро, республика ва институт миқёсидаги илмий-амалий анжуманлар ҳамда маданий-маърифий тадбир ва танловларда фаол қатнашиб келаётди. Инглиз тилида эркин сўзлашади. Ҳозир у фермерларимизнинг юқори ва барқарор ҳосил олишларига, замонавий технологияларни қўллашига ёрдам бериш, янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш йўлида изланишлар олиб бормоқда.

БОШЛАНГИЧ ҚАДАМЛАР

Ёш тадқиқотчида қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига ёрдам бериш истаги мак-

шаънига илиқ фикрлар билдирди. Сўнгра ўзбек тупроғини дунёга машҳур қилган алломалар, фидойи мутафаккирларни санаб, фаолиятдан мисоллар келтирди.



институтда ўтказилган олимпиадада "Информатика" фанидан 1-, "Чизма геометрия" фанидан 2-, 2009-2010 ўқув йили эса "Назарий механика" фанидан 1-, "Информатика" фанидан 2-, "Инглиз тили" фанидан 3-

ҲАР БИР ЮТУҒИМ — ОНА ЮРТ УЧУН!

табда ўқиб юрган кезлари туғилган, десак янглишмаган бўламиз. У илм масканида аниқ фанларни севиб ўқир, табиат қўйнига уюштириллаган саёхатлар, экологик ва тарбиявий мавзулардаги машғулотлар жону дили эди. У «Табиат — чекмасин азият», «Табиатни эъзозлаш — бурч», «Сув — ҳаёт манбаи», «Тарихингизни биласизми?», «Ватанин севмоқ имондандир» каби кеча ва беллашувлар, тарбиявий соатларда фаол иштирокчига айланарди.

Жасурбек муаллимлари ўтган дарсларни, айнқиса, устози Ойгул Матёкубованинг ўғил-қизлар онгига Ватан туйғусини сингдиришга бағишланган тарбиявий машғулотларини яхши эслайди. Масалан, 4-синфда ўтилган сабоқ ҳамон ёдида.

Ўқитувчи тарбиявий машғулоти ноанъанавий тарзда бошлади. Мадҳиямиз билгаллиқда қуйланди. Ўқувчилар эътиборига «Байроқдаги ранглар қандай маънони билдиради?», «Ватан деганда нимани тушунаси?», «Гербимиздаги рамзлар ҳақида нималар дея олсиз?» каби саволлар ҳавола қилинди.

— Ватан деганда биз мустақил Ўзбекистонимизни, унинг ҳудудини — битмас-туганмас бойликлари, шаҳар ва қишлоқлари, қириқларни, шарқираб оқаётган сойларини, қорли тоғларини, кундан-кунга чиroy очиб бораётган пойтахтимизни, ўзимиз яшаётган маҳалламизни тушунамиз, — деб жавоб берганди Жасурбек ўшанда.

Муаллима бошқа ўқувчиларнинг жавобларини эшитгач, Жасурбекнинг

Хусусан, Президентимизнинг Ўзбекистонни дунёга танитиш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллаши йўлида олиб бораётган саъй-ҳаракатларини алоҳида тилга олди. Ҳар бир ўқувчи мактабда яхши ўқиб, одоб-ахлоқли бўлса, Ватанга муносиб фарзанд бўлиб етишиш мумкинлигини таъкидлаб, буюк аллома Абу Райҳон Берунийнинг «Ният улуг бўлсин, шунга яраша меҳнат ҳам» деган ҳикматининг моҳиятини тушунирди.

Машғулот якунида «Сизлар ҳали мустақил юрт ривожига ҳисса қўшадиган йигит-қизлар бўлиб етишасизлар!», деб ишонч билдирди. Ўшангла Жасур Матёкубов қалбида она-Ватан учун катта ишлар қилишга иштиёқ уйғонганди.

ИЗЛАНИШ — МАҚСАД

«Мен янгилик изловчиман ва шу жиҳатим билан ўзимни кучли ҳис қиламан». Улугларимиз айтган бу фикр Жасурбек Матёкубовнинг кундалик режасио ҳаёт таъминлига бир қадар ўзгартиш киритди. Олий таълим муассасасида изланиш — мақсадга, режали фаолият юритиш — одатга айланди.

— Жасурбек институтда ўқишнинг дастлабки кунлариданоқ фанларни ўзлаштириш, берилган топшириқларни муддатидан олдин бажариши, машғулот вақтида бўладиган савол-жавобларда фаол қатнашиши, ўзининг мустақил фикрига эгалиги билан тенгдошларига ўрнак бўла бошлади, — дейди устозларидан бири, доцент Анваржон Шеров. — 2008-2009 ўқув йили

ўринни эгаллади ва «Назарий механика» фанидан республика олимпиадасида муваффақиятли қатнашиб, фахрий ёрлик билан тақдирланди. Кейинги йили яна республика фан олимпиадасида «Гидравлика» фанидан 1-ўрин соҳиби, Беруний номидаги Давлат стипендияси танловининг ғолиби бўлди. Талаба йигитдаги интилувчанлик фазилати барча муваффақиятларига замин яратди.

Эътиборлиси, Жасурбекнинг 2011-2012 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси (Қишлоқ ва сув хўжалиги таълим йўналиши бўйича)га сазовор бўлгани ҳақидаги хушхабар институтда тез тарқалди. Уни биринчи бўлиб профессор Ўктам Умрзоков, гидромелиорация факультети декани, доцент Анваржон Шеров бу муваффақиятга эришгани билан самимий қутлади. Устозлари — профессор Ф. Бараев ва доцент С. Мирзаев қаҳрамонимизни муборакбод этар экан, бундан кейин янада кўпроқ изланиши кераклигини таъкидлашди.

Жасурбек ҳаётда қандай йигит, деган саволимизга илмий раҳбари Ф. Бараев қуйидагича жавоб берди:

— Жасурбек ҳозирнинг ўзидаёқ тайёр мутахассис, аммо унинг иқтидорини доимий равишда ривожлантириб бориш зарур. Изланувчан йигитнинг чуқур ва кенг доирадаги билимлари самарали равишда амалиётга татбиқ этилишини истайман. Масалан, «Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва барқарор ҳосил олишда тежам-

кор суғориш технологияларини жорий қилиш» мавзусидаги иши ана шундай тадқиқотларидан биридир.

ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯ ЯРАТИШ — ВАЗИФА

Дарҳақиқат, қаҳрамонимиз изланаётган мавзу ниҳоятда долзарб. Хоразм вилояти тупроқ-иклим шароитига кўра Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларидан фарқланади. Воҳа республиканинг шимолида жойлашган бўлиб, ҳудудда саҳронинг континентал иқлими ҳукм суради, ҳаммаси бўлиб 100 мм атрофида ёғин ёғиб, қиш қаттиқ совуқ, қарийб қорсиз бўлади. Бу ҳолат суғориладиган майдонларга салбий таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Сув танқис бўлган

ИШОНЧ БИЛДИРИШСА, ЎЗИНГИЗНИ КУЧЛИ ҲИС ҚИЛАСИЗ

Талаба йигитнинг ҳужжатларини варақлаймиз. Халқаро конференция тўпламида чоп этилган «Мелиорация ва сув хўжалигининг чизиксиз четки масалалари ечими» ҳамда «Фермер хўжалиқларида қўлланиладиган сувни тежаш методлари», шунингдек, талабаларнинг институт ва республика миқёсидаги илмий анжуманлари тўпламларига кирган «Сув тежаш — давр талаби», «Хоразм вилояти шароитида пахта ҳосилдорлигини режалаштиришнинг математик модели», «Пахта ва кузги бугдойни суғориш тартиби» мақоалаларига кўзимиз тушди. Жами 17та мақола.

Қувонарлиси, Жасурбек буларнинг барчасига ўқидан ортиб, бўш вақтларида эришган. Кўрик-танловлар, олимпиада, конференция, муҳокамалар талабага нима беради, дея берган саволимизга у асосли жавоб қайтарди:

— Билимлар беллашуви, баҳс-мунозаралар талабаларни ҳар томонлама тоблайди, дунёқарашини юксалтиради, нутқини яхшилайди. Энг муҳими, ўз устиди ишлаши, олдида катта мақсадлар қўйишига туртки бўлади.

Олимпиадада қатнашиш орқали муайян фан бўйича ўз билими, кучини синаб кўриб, сушт томонини билиб олади. Конференцияларда маъруза қилиш эса илмий иши савияси қай даражада эканини билиш, келгусида илмий режаларини янада мустаҳкамлаб олиш имконини беради. Қисқаси, баҳс-мунозара бор жойда янгиликка интилиш, ривожланиш бўлади.


— Сизга ишонч билдиришса, ўзингизни кучли ҳис қилар экансиз, — дейди Жасур Матёкубов. — Шу маънода Мирзо Улугбек туманидаги 142-умумий ўрта таълим мактаби ҳамда Тошкент ирригация ва мелиорация институти қошидаги академик лицей жамоаси, хусусан, устоз-мураббийлар — Инна Владимировна Ли, Ойгул Матёкубова, Шоҳиста Қўшбокова, Мухаррам Хўжаева, Вилоят Зиёмухамедова, Насрулло Тоғоев ва Саида Хўжаева, шунингдек, олий таълим муассасасидаги устозларим — профессор ўқитувчилар М. Мирсаидов, Э. Файзибоев, О. Орифжонов, Х. Шукрулаевага берган билимлари, кўрсатган йўл-йўриқлари учун ўз миннатдорлигини билдираман.

Устозларига чуқур ҳурмат билан қарайдиган қаҳрамонимизнинг ниятлари улуг — Ватанимиз равнақиға ўз ҳиссасини қўша оладиган етук мутахассис бўлиш, илм орқали Ватанимиз номини дунёга танитиш.

**Қурбонбой МАТКУРБОНОВ,
«Ma'rifat» мухбири**

АКЛИЙ МЕХНАТ МИЯНИ ЎЗГАРТИРАДИ

Имтиҳонга тайёргарлик кўриш жараёнида кузатиладиган фаол аклий меҳнат миёда самарали ахборот алмашину-вини таъминлаб, унинг тузили-шини ўзгартириши мумкин. АҚШдаги Калифорния Беркли университети олимлари ўтказган изланиш натижалари шуни кўрсатди, дейилади «Компьюлента» манбасида.



Океанортилик нейробиологлар уч ой мобайнида синовга тайёргарлик кўраётган бир қанча талабаларнинг ми-ясини магнит-резонанс-ли томография ёрдами-да назорат қилиб бо-ришган. Жараёнда мун-тазам ва фаол равишда амалга оширилаётган аклий машқлар ми-янинг анатомик тузилишига та-сир кўрсатиши, микрофи, ми-я ўзи ҳал қилиши зар-ур масалаларга аjoyиб тарзда мослашиши аниқ-ланди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, имтиҳонга тайёргарлик кўрган талабаларда фронтал ярим-шарлар, фронтал ва бошининг тепа қисмлари ўрта-сидаги алоқалар кучайгани қайд этилган. Маълум-ки, имтиҳонда талабаларнинг тестни яхши тушу-ниш, мантикий фикрлаш ва муаммоларни таҳлил этиш қобилиятлари синовдан ўтказилади. Таъкид-ланишича, таҳлил қилиш функциясини ми-янинг чап яримшари бажариб, бунда ми-я қобили-нинг тепа ва фронтал қисмлари ўртасидаги боғлиқлик муҳим роль ўйнайди. Олимларнинг фикрича, фаолият жа-раёнида одатий ресурслар етишмасе, ми-янинг ўзи иккинчи яримшарни ҳам ишга туширади.

СУПЕРКОМПЬЮТЕР ТАШХИС ҚЎЯДИ

«Ай-Би-Эм» (IBM) компаниясининг машхур «Ват-сон» суперкомпьютери океанортидаги «Жеопар-ди» телевикторинасининг энг яхши ўйинчисини ютиб, ўта салоҳиятли тизим тараққиётидаги янги босқични бошлаб берган эди. Эндиликда бу су-перкомпьютер ўзининг тил кўникмаларидан сама-рали фойдаланиб, беморларга ташхис қўйиш бо-расида шифокорларга кўмак бермоқчи. «Нью Сайнтист» («NewScientist») манбасида шу ҳақида маълум қилинди.

Телевикторинада ишти-рок этаётганда «Ватсон» ҳар бир саволни таҳлил этиб, гап нима ҳақида бо-раётганини аниқлашга ҳаракат қилган. Сўнгра эн-циклопедия ва маълумот-лар базасидан жавоб қидириб, ҳар бир тахминий жавобнинг тўғрилиги кўрсаткичини сонлар орқали белгиллаб, энг юқориси-ни таллаган. Тизим тиббий масалаларга ҳам худди шундай тарзда ёндашиб, фақат тегишли адабиётда-ги маълумотга таянади. «Ватсон»нинг бу борадаги қобилиятини текшириш учун Америка терапевтлари коллежи томонидан ҳар йили ўтказиладиган «Док-тор'с дилемма» синовидида 188та савол берилди. Компьютер 50 фоизга жавоб берди, бу эса ўта са-лоҳиятли тизим учун қоникарли кўрсаткич. Ҳозир «Ватсон» шифохоналар архивларида тўпланган, шу кунгача амалга оширилган тиббий операциялар ва уларнинг натижаларини кўриб чиқмоқда. Янги бе-морлар билан тўқнаш келганда компьютер бундай бел-гилар кузатишган аввалги беморлар ва уларда олиб борилган муваффақиятли муолажалар ҳақидаги маълумотни қидиради.

Суперкомпьютер, айниқса, онкология соҳасида фойдали экан, чунки мутахассислар саратоннинг ҳар бир тури бўйича олинатиغان генетик ва молекуляр маълумотлар оқимидан ортда қолмасликка интилоқ-да. Назариётчи олимлар эришган натижаларни ком-пьютер ёрдамисиз фақат бир неча йилдан сўнггина амалиётга татбиқ қилиш мумкин бўлади. «Ватсон»-нинг салоҳиятли тизими тиббий суғурталаш соҳа-сида ҳам муҳим роль ўйнайди. Бунда компьютер ати-ги бир неча сонияда тегишли тавсияларни бери-ши мумкин экан.



КЎК ЧОЙ — САРАТОНГА ҚАРШИ ВОСИТА АСОСИ

Кўк чой таркибидаги модда саратонга қарши самарали во-сита бўлиши мумкин, дея таъ-кидлашмоқда Глазго (Шотландия) Стратклайд университети тадқиқотчилари. Мутахассислар салкам 20 йилдан бери кўк чойнинг саратонга қарши курашиш хусусиятларини ўрганиб шун-дай хулосага келган, деб ёзади «Нанотиббий» («Nanomedicine») нашри.



Кўк чой таркибидаги галлат эпигаллокатехин моддаси дамламаси ав-вал ҳам ўзининг саратон-га қарши курашиш хусу-сиятини намойиш этган-ди. Лекин уни томирлар-га юбориш орқали ўсма-га таъсир кўрсатишнинг уддасидан чиқилмаётган эди. Энди эса шотланди-ялик олимлар шундай имкониятга эга бўлишди. Улар икки турдаги тери саратонини даволаш таж-рибаларида галлат эпигаллокатехин моддасидан фойдаланишган. Бир ойдан сўнг ҳар икки турдаги саратоннинг 40 фоиз ҳолатида ўсмалар йўқолиб, айрим турдагисида 30, баъзиларида эса 20 фоиз ҳолатда ҳосилалар кичиклашган. Эътиборлиси, бун-дай муолажа соғлом тўқималарга ҳеч қандай салбий таъсир кўрсатмаган. Олимлар бу илмий янгилик то-бора авж олаётган саратонни даволашда янгича муолажа методларини ишлаб чиқишга кўмак бери-шига умид қилишмоқда.

ЯНГИ ИЗЛАНИШ ВА КУТИЛМАГАН НАТИЖА

Халқаро олимлар гуруҳи 2009 йили «ГРЕЙС» («GRACE») сунъий йўлдошлари тизими маълумот-ларидан фойдаланиб, Ҳимолай ва Тибет плато-си музликлари ҳажми йилга тахминан 50 Гт.га кама-яйди деган хулосага келган. Яна бир гуруҳ олимлар худди шу маълумотлар асосида йўқо-тишлар миқдори салкам 10 баробарга камайиши мумкинлигини айтишган. Бу борадаги сўнгги из-ланишда эса «АЙССэт» («ICESat») йўлдоши маълумотларига таяниб, 2003—2008 йиллар ора-лигида Ҳимолай музликлари йилга 12 Гт.дан озайгани маълум қилинди. Мавзуга оид мақола «Табиат» («Nature») журналида чоп этилди.

Изланишлар сунъий йўлдошлар йирик ва етиб бориш қийин бўлган ҳудудлардаги ўлчовлар-ни амалга оширишда жуда керакли ускуна ва-зифасини ўташи, бунда олимлар фақат олинган маълумотларни тўғри та-лқин эта олиши зарурлигини ҳам кўрсатди. Шу та-риқа тадқиқот методлари борасидаги янги савол-лар ҳам юзага келмоқда. Гарчи «АЙССэт» йўлдоши маълумотлари асосида ҳисобланган музликлар эри-ши миқдори «ГРЕЙС» ёрдамида олинган ахборот-нинг иккинчи талқинидаги кўрсаткичдан икки баро-бар кўп бўлса-да, биринчи изланиш якунида олин-ган рақамдан уч баробар кам.

«АЙССэт» 2003 йили кўтб музликларини кузатиш учун океанортидаги Аэрокосмик тадқиқотлар агент-лиги — НАСА томонидан космосга чиқарилган. Йўлдош текис ҳудудга мўлжаллангани боис унинг ёрдамида олинатиغان маълумотларни Ҳимолай каби паст-баланд жойга нисбатан қўллаш бироз мушкул-лик туғдирган. Норвегиядаги Осло университети тадқиқотчиси Андреас Кээбининг сўзларига кўра, мазкур масалани ҳал этиш учун олимлар ахборотни мунтазам равишда «Shuttle Radar Topography Mission» халқаро лойиҳаси доирасида олинган баландликка оид маълумотлари билан солиштиришган. Натижа-да 70 метргача баландлик ҳаритаси тузилиб, 2003—2008 йилларда Ҳимолай музликлари йилга ўртача 21 сантиметр камайгани ва бу кўрсаткич дунё бўйи-ча ўртачадан анча пастлиги аниқланди.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.



Филиппин ҳуқуқ-тар-тибот органлари томо-нидан ўзини милиция, прокуратура, суғурта компа-нияси ва суд ходими дея та-ништириб, ноқонуний тарзда пул ундиришда айбланган, Хитой ва Тайван фуқарола-ри дея тахмин қилинаётган 357 нафар киши ва уларга мамлакатга кириб келишга кўмаклашган икки нафар ма-ҳаллий фуқаро ҳибсга олин-ди.

Грециянинг инкирозга қарши курашиш мақсади-да амалга татбиқ этаётган хусусийлаштириш дастури доирасида мамлакатга қарашли одам яшамайдиган ороллар фақат мил-лий хавфсизлик талаблари бузилмайдиган ҳолда сотилиши ёки ижарага бе-рилиши мумкинлиги ҳақида хабар берилди.

Германиянинг Бава-рия шаҳридаги аэро-портга экскурсияга бор-ган 8—14 ёшдаги 30дан ортиқ ўқувчи ва 2 нафар катта ёшли кузатувчи жой-лашган автобус ноқулай об-хаво шароити — кучли ёмғир ва дўл ёғаётгани сабабли ағдарилиб кетган ва бир не-чта машиналар тўқнашувчи юзага келган, уловдаги бар-ча одамлар турли даражада жароҳат олган.

Океанортидаги Кали-форния штатининг Шаста ва Техама ҳудудларида ўрмон ёнгинлари 9,7 минг гектар, Плумасда эса 19 минг гектар майдонни эгаллаб, аҳоли учун хавф туғдираётгани боис фавқ-улодда ҳолат эълон қилинди.

Хитой шимоли-шарқ-идаги Харбин шаҳрида 9 ой олдин ишга туши-рилган, қурилишига 296 мил-лион доллар сарфланган Сунгари дарёсидаги кўприк тўртта юк ташувчи машина оғирлигидан қулаб тушиб, нохуш ҳодиса оқибатида 3 нафар инсон ҳалок бўлган, 5 нафари жароҳат олган.

Норвегия суди 2011 йил 22 июлда Осло шаҳридаги ҳукумат бинолари яқинида портловчи моддани ишга туширган, Утойя оролида дам олаётган ёшларга ҳужум уюштирган ва 77 нафар инсон умрига зо-мин бўлган Андерс Брей-викни мамлакатда ўлим ҳамда умрбод қамоқ жазо-си йўқлиги боис энг узок муддат — 21 йил озодлик-дан маҳрум қилиш тўғри-сида ҳукм чикарди.

Oltin belanchak

СУЯСАНГИЗ, АЁЛ ГЎЗАЛ БОҒ ЯРАТАР

Аёл меҳри, муҳаббати, фидойилиги ва жонкуярлиги билан оламни яшнатигишга қодир. Лекин ўз номи билан Аёл! Ҳамиша бир суянчга, уни юракдан тушуниб, эзгу амалларини қўллаб-қувватлаб тургувчи, севувчи, ардоқловчи инсонга маҳтал. Шундай бахтни топдимиз, энди у меҳнат қилиб толмайди, яхшиликларни яхшиликларга улаб, ҳаётни гўзал бир бўстонга айлантиради.

Техника фанлари номзоди, Бухоро давлат университети-нинг профессори Туроб ака Жўраев ва мазкур олий ўқув юрти қошидаги 4-сонли академик лицейининг олий тоифали физика фани ўқитувчиси Амина опа Махжотова билан суҳбатлашар эканман, ана шулар ўтди ҳаёлимдан. Дарвоқе, Туроб аканинг илму фан ривожини йўлидаги қарийб эллик йиллик меҳнати бир ён-у, Амина опанинг ўнлаб истеъдодли ёшларнинг муваффақиятларидаги хизматида ҳам умр йўлдошининг ҳиссаси кўриниб туради. Оиладаги ана шу устуннинг мустаҳкамлиги фарзандлар камолида янада ёрқинроқ ўз аксини топди. Саволларимизга берилган жавобларни ҳам бирлари бошласа, иккинчилари тўлдиришди.

1. Оила тутумларида ота-бобо, момо ва оналарнингизда кўрган қандай анъаналарни маҳкам тутасиз ҳамда қай тариха бойитишга уриналасиз?

2. Маънавияти, гўзал хулқ-атвори соҳибларининг атрофдагилар, жамоадошлари, хусусан, сизнинг тутумларингизга таъсири хусусида кузатишларингиз?

3. Ўғлингиз, қизингизнинг ютуқлари эътиборингиздан четда қолмаслиги, уларни ра-

батлантириб боришни қандай таъминлайсиз?

4. Оилангиз жамиятнинг том маънода бир бўлаги бўла олиши учун қандай йўл тутаясиз?

1. — Отам Дониёр Жўраевнинг ажойиб хислатлари бор эди. У киши кишлоғимиздаги қайси хонадоннинг фарзанди, айниқса, қизлари мактабни тугатаётган бўлса, шу ховлига серкатнов бўлиб қолар, оила бошлиқлари олдига боласининг ўқимишли бўлиши учун қўмаклашиш масаласини кўндаланг қўярди. Керак бўлса, ҳар жиҳатдан ёрдам берарди. Ҳамон маҳалладошларимиз Ташработчадан кўп олимлар, турли соҳа ривожига салмоқли ҳисса қўшган кишилар етишиб чиққанида отамнинг ҳиссаси катта бўлагини хотирлаб юришадим.

— Келин бўлиб тушганимдан икки ҳафта ўтгач, қайнотам мени олдиларига чақирди «Қизим, келганингиздан буён кузатаман, ҳеч китоб ўқимайсиз. Сизга топшириқ — мана бу асарнинг мана бу қисмини икки-уч кунда тугатиб, мулоҳазаларингизни айтиб берасиз. Ахир сиз ўқимасангиз, набираларимдан не умид...» десалар бўладими? Бу янглиг муносабат кўнглимни тоғдек кўтарди ва орзу-умид-

ларимга қанот бағишлади. Оилада биз ҳам ўғил қизларимизнинг бадий мутолаага муҳаббат қўйишлари, илмий изланишларининг бардавомлигига алоҳида эътибор қаратдик.

2. — Албатта, маънавиятли, гўзал хулқ-атвори кишилар атрофидагиларнинг ҳам хушфазилят соҳиби бўлишларига ўз таъсирини ўтказди. Кишлоғимизда йўлдош ака деган журналист бўларди. Бизга яқинларимиз «Йўлдошга ўхшагин, унга эргашгин», дея насиҳат қилишарди. Чунки у киши барча соҳадан боҳабар, ҳуқуқий саводхон, маданиятли

Fayzli xonadon

киши эди. Керак пайти одамларга ёрдам бера олар, кўпнинг мушкулани осон қилар, суҳбатининг ўзи биз учун бир дарс эди. Касбимизнинг сир-синоатларини сидқидилдан ўрганишимиз, фарзандларимиз, шогирдларимизни ҳам шунга ундашимизда у кишидан олган ибратимиз мактаб вазифасини ўтади, десак муболага бўлмас.

3. — Қизимиз Зилолаҳон — БухДУ ўқитувчиси, халқаро грантлар соҳибаси. Нигораҳон — шифокор. Абдоржон — иқтисод фанлари номзоди, муваффақиятли илмий изланишлари учун Президент соғвасини олишга муваффақ бўлди. Бир неча бора халқаро грантларни қўлга киритди. Эркинжон — талаба, Абу Райхон Беруний номидаги давлат стипендияси соҳиби, «Келажак



овози — 2008» республика танлоғи ғолиби... Албатта, бу ютуқларнинг ортида катта меҳнат, бизнинг қўллаб-қувватлаб, руҳлантириб туришдек рағбатимиз бор, деб ўйлаймиз. Болаларимизнинг илм эгаллашлари йўлида, дейлик, қўлимдаги тилло узукни ечиб сотиш керак бўлса, ҳеч оғринмаганман. Отаси ҳам борини аямайди. Уларнинг кичик бир уриниши ҳам оиламизнинг катта байрамга айланиб кетди...

4. — Баъзилар фарзандининг таваллуд кунларида

«Банкер бўлсин, ҳуқуқшунос бўлсин...» дея тилак билдиради. Албатта, бу яхши ният. Лекин биз бундай давраларда ҳамisha «Аввало инсон бўлинг. Юртга, одамларга нафитингиз тегсин. Касбни юксакка кўтарувчи унинг соҳибби!» маъносига ниятлар билдирганмиз. Бизнингча, агар ҳар бир оила оқил ва зукко, ўзини юрт олдига бурчдор деб билувчи ўғил-қизларни камолга етказса, жамият гуллаб-яшнайдиган, оила деб аталган кўрғонга ҳеч қачон дарз кетмайди.

Ruhiyat olami

... Укаси дунёга келгунича, хонадоннинг эркатойи эди. Энг яхши гаплар унга айтилар, энг сара совғалар унга ҳада этиларди. Кичкинтой туғилди-ю, у бирдан ҳамманинг ёдидан «чикиб кетди». Ҳатто жажжигина жигарбандига яқинлашгиси келса, жеркиб беришди, қандайдир ундан «ҳимоя» қилишадими-ей. Хуллас, жуда тез ўзгарган бундай муносабатлар уни жуда зериктирди, ёлғизлатиб қўйди, укачасига нисбатан юрагида ғашлик пайдо қилди... Кейинги кунларда ўзини кўпчиликдан четта оладиган, сал гапга йиғлайдиган одат ҳам чиқарди. Тунлари безовта-ланиб, иссиғи кўтарилга боришигина онасини унга эътибор қаратишга мажбур этди. Бу хусусда мутахассисларимиз нима дейди?

БОЛА НЕГА БОЛАДАН КУЯДИ?

— Оилада биринчи фарзанднинг туғилиши — катта қувончи воқеа. Ота-она бор меҳру муҳаббатини унга бағишлайди, ардоқлайди. Бола ана шундай муносабатга ўрганиб қолади. Кун келиб, укасининг ўз ўрнини эгаллаши, бунинг устига, ўзининг назардан четда қола бошлаши руҳиятига жуда қаттиқ таъсир этади. «Қайсарлик», «руҳиятнинг синиши», «руҳиятнинг нозиклаша бориши» сингари ҳолатлар ана шундай муомала туфайли юзага келади. Бундай кезларда ота-она ниҳоятда эҳтиёткор бўлиши, имкон қадар ҳар икки фарзандга бирдек эътибор қаратишга ҳаракат қилиши жоиз. Халқимиз орасида «Укасида куйди» деган ибора бор. Бу шунчаки содир бўлмайди. Ҳали дунёни ўзининг мурғак қарашлари би-

лан тасаввур этаётган дилбандимиздаги бу ҳолат, аввало, унинг нозик қалбига урилган катта зарбадек жону жаҳонини ўртаб, сўнгра ўз рангини кўрсатади. Ҳатто бу қуйиш кейинчалик ака-ука ёки опа-сингиллар ўртасидаги турли низоларга ҳам сабаб бўлиши мумкин. Шундай экан, ота-оналар ҳар бир фарзандига бир олам сифатида қарши, қўнғилларига йўл топаётган болаларига ўзгача-ю, совуққон ёки одамови ўғил-қизига бошқача муносабатда бўлишга ҳеч қачон йўл қўймаслиги керак. Унутмаслик лозимки, руҳият синиши оғир оқибатларга олиб келади. Дарз кетган руҳиятни ўз ҳолатига қайтариш узоқ муолажани талаб этиши мумкин.

Дилрабо УМАРОВА,
психолог

ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚИ

чекланиши ҳам мумкин

«Ота-оналик ҳуқуқини чеклаш» дегани нима? Агар ота ёки онанинг ҳуқуқи маълум сабабларга кўра чекланган бўлса, кун келиб қайта тикланиши мумкинми? Саволга ТДЮИ кафедрa мудирини, юридик фанлари доктори Замира ЭСОНОВА жавоб беради:

— Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 83-моддасига биноан ота-оналик ҳуқуқини чеклашга йўл қўйилади. Ушбу норма мазмунига кўра, бундай ишлар фақат фуқаролик судлари томонидан амалга оширилади, чунки ушбу тушунча мазмунидида биологик ва юридик ҳолатлар, қолаверса, бола манфаатлари устуворлиги принципи ётади.

Бунда суд боланинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ота-онани ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилмай туриб, болани ота-онадан (уларнинг биридан) олиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариши (ота-оналик ҳуқуқини чеклаши) мумкин.

Болани ота-она (улардан бири) билан қолдириш ота-онага (улардан бирига) боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра (руҳиятнинг бузилиши ёки бошқа сурункали касаллик, оғир ҳолатларни босдан кечириш ва бошқалар) бола учун хавфли бўлса, бундан ташқари, агар болани ота-она (улардан бири) билан қолдириш оқибатида ота-онанинг хулқ-атвори бола учун хавф тугдирса, ота-оналик ҳуқуқини чеклашга йўл қўйилади.

Албатта, ушбу ҳуқуқ тикланиши мумкин, фақат бу суд тартибидида ота-оналик ҳуқуқи

чекланишини бекор қилиш йўли билан амалга оширилади. Оила кодексининг 86-моддасида белгиланганидек, агар ота-она (улардан бири)нинг ота-оналик ҳуқуқлари чекланишига асос бўлган ҳолатлар барҳам топса, суд ота-онанинг (улардан бирининг) даъвосига биноан болани ота-онасига (улардан бирига) қайтариш ва чеклашлар

ни бекор қилиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

Агар болани ота-онасига (уларнинг бирига) қайтариш унинг манфаатларига зид бўлса, суд боланинг фикрини ҳисобга олиб, даъвога қаноатлантиришни рад қилишга ҳақлидир. Агар ота-она (улардан бири) ўз хулқ-атворини ўзгартирмаса, васийлик ва ҳомийлик органи суд томонидан ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори чиқарилгандан кейин олти ой ўтгач, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида даъво тақдим этиши шарт. Васийлик ва ҳомийлик органи боланинг манфаатларини эътиборга олиб, ота-онани (улардан бири) бу муддат ўтмасдан туриб, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида даъво тақдим этишга ҳақли.

Savol bering,
javob beramiz

Саҳифани Ойбуви ОЧИЛОВА тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОН ПАРАЛИМПИЯЧИЛАРИ ЛОНДОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон спорт делегацияси XIV Паралимпия ўйинларида иштирок этиш учун 24 август кuni Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрига жўнаб кетди.

Тошкент халқаро аэропортида паралимпиячиларимизни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга давлат ва жамоат ташкилотлари, спорт жамоатчилиги вакиллари, спортчиларнинг ота-оналари, мухлислар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари йиғилди.

Тадбирда Президентимиз Ислон Каримов раҳнаомлигида мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш жараёнида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, ногирон ва жисмоний имконияти чекланган ёшларнинг ҳам билим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ўз қизиқиши ва интилишига кўра касб-хунар эгаллаши, спорт билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилаётгани таъкидланди. Муруват уйлари, ихтисослашган ўрта махсус, касб-хунар коллежларида улар махсус педагогик усулларда таълим олиб, спорт билан шуғулланмоқда.

Шундай юксак эътибор ва ғамхўрлик самарасида воғна етган паралимпиячиларимиздан ўн нафари Лондон шаҳри мезбонлик қиладиган XIV Паралимпия ўйинларида спортнинг тўрт тури бўйича мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

Паралимпия ўйинлари – ногирон ва жисмоний имконияти чекланган спортчиларнинг энг йирик халқаро спорт анжуманидир. Паралимпия ҳаракати 1948 йилда Буюк Британияда Сток-Мандевилл гостали нейрхирурги Людвиг Гуттман томонидан асос солинган. 1960 йилнинг 18-25 сентябрь кунлари Италиянинг

Рим шаҳрида ногирон ва жисмоний имконияти чекланган спортчилар ўртасида ўтказилган мусобақа илк Паралимпия ўйинлари сифатида тарих саҳифаларидан жой олди. Унда дунёнинг 23 мамлакатидан 400 нафар паралимпиячи саккиз спорт тури бўйича 57 медаллар жамланмаси учун ўзаро куч синашган.

Бугун Паралимпия ҳаракати дунёнинг кўплаб мамлакатларида жадал ривожланмоқда. Жорий йилнинг 29 август – 9 сентябрь кунлари Лондон шаҳрида ўтадиган XIV Паралимпия ўйинларида жаҳоннинг 166 давлатидан 4200 нафар спортчи қатнашиши kutilmoqda. Улар спортнинг 20 тури бўйича 502 медаллар жамланмаси учун ўзаро рақобатлашади.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 5 январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпияда ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида"ги қарори асосида юртимиз паралимпиячилари ушбу ўйинларга пухта тайёргарлик кўрди. Спортчиларимизнинг замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, тажриба ва маҳоратини ошириши, Паралимпия ўйинларида йўлланма берадиган нуфузли мусобақаларга тайёргарлиги ва уларда муносиб қатнашиши учун барча шарт-шароит яратилди.

Халқаро Паралимпия қўмитаси қарорига кўра, Лондонда бўладиган ўйинларда қатнаш ҳуқуқи саралаш мусобақаларидан муваффақиятли

ўтган спортчилар орасидан жаҳон рейтингда энг юқори поғоналарни эгаллаган паралимпиячиларга берилди. Ҳамюртларимиз маҳорат ва тажрибасини ошириш мақсадида 2009 йилда Японияда ёшлар ўртасида ўтган Параолимпия ўйинларида қатнашди ва беш олтин, учтадан кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлди. АҚШда кўзи ожизлар ўртасида ўтказилган Жаҳон ёшлар ва талабалар ўйинларида биттадан олтин, кумуш ва тўрт бронза медал жамғарилди.

2010 йилги спорт мавсумида ҳамюртларимиз Кувайтда энгил атлетика бўйича ўтган халқаро мусобақада 2 олтин, 3 кумуш ва 4 бронза медалга лойиқ топилди. Аргентинада футбол бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ногирон-ампутант футболчилар терма жамоаси 2007 йилда кўлга киритилган жаҳон чемпионлиги унвонини муносиб ҳимоя қилиб, кетма-кет иккинчи марта олтин медалга сазовор бўлди. Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтган Параолимпия ўйинларида Ўзбекистон паралимпиячилари 1 олтин, 2 кумуш ва 3 бронза медал жамғарди.

Паралимпиячиларимизнинг мазкур йирик спорт анжуманларида тўплаган тажрибаси уларнинг XIV Паралимпия ўйинларининг мураккаб саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтишига хизмат қилди. Лондондаги мусобақаларда ўн нафар паралимпиячимиз спортнинг тўрт тури – энгил атлетика, сузиш, пауэрлифтинг ва дзюдо беллашувларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади. Паралимпия ўйинларида дзюдо бўйича 73 килограмм вазн тоифасида гиламга чиқадаган Шариф Халилов 2010 йилдан буён халқаро мусобақаларда иштирок



этиб келмоқда. У 2010 йили Хитойда ўтган Параолимпия ўйинларида кумуш, 2011 йили Туркияда кўзи ожизлар ва заиф кўрувчилар ўртасидаги IV Бутунжаҳон ўйинларида бронза медалга сазовор бўлган.

— Ҳар гал нуфузли мусобақаларда совриндор бўлиб, шохсупада турганимда қалбимда гурур-ифтихор жўш уради, — дейди Ш.Халилов. — Халқаро майдонда кўлга киритаётган ғалабаларимиз Президентимиз Ислон Каримовнинг биз, ёшларга кўрсатаётган улкан эътибори ва ғамхўрлигининг самарасидир. Ниятим Лондонда бўлиб ўтадиган Паралимпия ўйинларида давлатимиз байроғини баланд кўтариш орқали халқимизнинг энг улуг, энг азиз байрами – Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига муносиб тўхфа ҳозирлашдир.

Жорий йил сузиш бўйича АҚШда ўтказилган халқаро турнирда олтин медални кўлга киритган Кирилл Паньков 100 метрга баттерфляй усулида сузиш баҳсларида қатнашади.

Шу йилнинг февраль ойида Бирлашган Араб Амирикларидан пауэрлифтинг бўйича

ўтган мусобақада юқори рейтинг очколарини жамғарган Яшин Шобердиев ва Елена Абасова ҳам Паралимпия ўйинларида қатнашадиган жаҳоннинг энг кучли спортчилари сафига қўшилди.

Яна олти нафар спортчимиз энгил атлетиканинг турли йўналиши бўйича баҳсларга киришади. Параолимпия ўйинлари совриндорлари Дониёр Солиев ва Миран Сахатов уч хатлаб сакраш, халқаро турнирлар голиби Муяссар Иброҳимова 100 метрга югуриш, Параолимпия ўйинлари кумуш медални соҳиби Хусниддин Норбеков ядро ва диск улоқтириш, 2008 йилги Паралимпия ўйинлари иштирокчиси Равил Диганшин ва халқаро мусобақалар совриндори Иван Панифидин ядро улоқтириш баҳсларида иштирок этади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов иштирок этди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА муҳбири

Муҳаммад АМИН (ЎЗА)
олган суратлар.

реклама * ЭЪлонлар * реклама * ЭЪлонлар * реклама

ТАНЛОВГА ТАКЛИФ

Халқ таълими вазирлиги 2013-2014 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 6-синфлари учун янгида яратиладиган дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни ишлаб чиқиш мақсадида муаллифлар таркибини танлаб олиш ва тасдиқлаш учун

ҚАЙТА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга қуйидаги дарслик ва ўқув-методик комплекслар киритилган:

Т/Р	Фанлар	Синфлар	Нашр этиш тиллари
1	Тасвирий санъат	6-синф	Таълим ўзбек, рус ва қардош тилларда олиб бориладиган мактаблар учун
2	Меҳнат таълими	6-синф	Таълим ўзбек, рус ва қардош тилларда олиб бориладиган мактаблар учун

Танлов Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган тартиб-қоидалар асосида ўтказилади.

Танловда таълим муассасалари учун ўқув адабиётларини яратиш тажрибасига ҳамда ушбу фан йўналиши бўйича тегишли олий маълумотга эга бўлган жисмоний шахслар, кадрлар салоҳиятига эга илмий ва ўқув ташкилотлари қатнашиши мумкин. Танловда қатнашиш истагини билдирган жисмоний шахслар, яъни олимлар, методистлар, ўқитувчилар ва ташкилотлар тенг ҳуқуқли иштирокчи ҳисобланади.

Танловда иштирок этиш истагини билдирган қатнашчилар танлов асосида янги яратилиши зарур бўлган дарслик ва ўқув-методик комплекслар концепцияси (0,5 босма таблокча), ўқув адабиётларининг режа-проспекти (бўлимлар ва мавзулар мазмунининг тезисли баёни, 1 босма таблокча) ҳамда дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар белгиланган битта бобининг намуна матнини Танлов комиссиясига **2012 йил 25 сентябрь** кuni Тошкент вақти билан соат **14:00** га қадар топшириши керак.

Танловда қатнашиш истагида бўлган шахслар Танлов ҳужжатларини **2012 йилнинг 27 августдан** бошлаб ҳар кuni (шанба ва яқшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат **10:00** дан **16:00** гача қуйида кўрсатилган манзилдан олишлари мумкин: **Тошкент ш. Фуркат кўчаси, 174-уй Республика таълим маркази. Мурожаат учун телефонлар: 227-04-12; 245-18-50.**

Танлов тақлифлари **2012 йил 25 сентябрь** кuni соат **15:00** да қуйида келтирилган манзилда барча иштирокчилар вакиллари иштирокида очилади. Танлов тақлифлари очилган кундан бошлаб **90** кун ичида амалда бўлади.

Танловда қатнашиш истагини билдирган барча иштирокчилар танловга тегишли қўшимча маълумотларни юқорида кўрсатилган манзилдан олишлари мумкин.

ЭЪЛОН

Халқ таълими вазирлиги томонидан Умумтаълим мактаблари ҳамда болалар мусика ва санъат мактабларида жиҳозлар харид қилиш бўйича тендер савдоларини ўтказиш Тендер комиссиясининг 2012 йилда умумтаълим мактабларида ўқув-лаборатория жиҳозлари, синф хоналари учун махсус мебеллар, компьютер техникаси, мебел ва спорт анжумлари ҳамда болалар мусика ва санъат мактабларида мусика чолғу асбоблари, мебел ва техник инвентарлар харид қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги "Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги 456-сонли қарорига асосан очик тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида 2012 йил 28 июлида "Ma'rifat" (60 (8501)), "Халқ сўзи" (148 (5568)) ва "Народное слово" (148 (5538)) газеталарининг ҳамда давлат харидлари бўйича www.xarid.uz ва вазирлиқнинг www.uzedu.uz сайтларида берилган эълонларга мувофиқ, тендер тақлифларини қабул қилиш мuddати жорий йилнинг 27 август соат 17:00 га қадар этиб белгиланган эди.

Мазкур ўтказилаётган тендер савдоларида кўпроқ талабгорлар иштирок этиши учун Тендер комиссиясининг 2012 йилнинг 24 августдаги қарорига кўра, тендер тақлифларини қабул қилиш мuddати 2012 йилнинг 6 сентябрь кuni соат 17:00га қадар узайтирилганлигини маълум қиламиз.

Тендер савдолари тўғрисида қўшимча маълумот олиш учун Тендер комиссиясининг Ишчи органига (шанба ва яқшанбадан ташқари) тендер тақлифларини қабул қилишнинг охириг кuniга қадар ҳар кuni соат 10.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

100017, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони – 5, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.
Тел: (8-371) 239-41-11, 239-19-58, 239-41-27, 239-18-24. Факс: (8-371) 239-89-58.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

*Мамлакатимизда истиқомат қилаётган
барча миллат ва элатларни, Ўзбекистон
Республикаси Олий ва ўрта махсус ҳамда
Халқ таълими вазирликлари тизимида
меҳнат қилаётган барча профессор-ўқитувчиларни,
педагогларни, мамлакатимизда фаолият
юритаётган хорижий элчихоналар ва
ваколатхоналар ходимларини Мустақиллигимизнинг
21 йиллик айёми билан самимий қутлаймиз!
Сизларга бахт-саодат, узоқ умр, шахсий
ҳаётларингизда омад ва зафарлар тилаймиз.*



ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

*O'zbekiston Xalq ta'limi
vazirligi, O'zbekiston Oliy
va o'rta maxsus ta'lim
vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va
madaniyat xodimlari
kasaba uyushmasi
Markaziy Kengashi.*

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin
ARIPJANOV, Jumanazar BEK-
NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV,
Farrux JABBOROV (bosh muharrir-
ning birinchi o'rinbosari), Baxtiyor
YOQUBOV (mas'ul kotib), Mahmuda
MURZAYEVA, Husan NISHONOV
(bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan
USMONOV (bosh muharrir
o'rinbosari, "Учитель Узбекиста-
на"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul
kotib, "Учитель Узбекистана"),
Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida № 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



INDEKS: 149, 150. Г-818.
Tiraji 33220.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

*«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish
tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taq-
qililmaydi va muallifga qaytarilmaydi.*

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy
o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-
53-16, fan, o'liy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi
yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat,
kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-
54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari
bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport
yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing
bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA,
Mamur AHLIDINOV.

Navbatchi muharrir:
Oybuvi OCHILOVA.
Navbatchi:
Sherali NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxona manzili:
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

ЎЗА якуни —23.10
Toshirildi — 00.30